БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 205 (19.581). • 1986 йил 7 сентябрь, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

АҚЛ-ИДРОК ҒАЛАБА ҚИЛИШИ КЕРАК

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг ҳамма турдаги ядро портлатишларини ўз ихтиёри билан тўхтатиб туриш муддатини 1987 йил 1 январга қадар узайтириш тўғрисидаги Баёнотини республикамиз меҳнаткашлари қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Шаҳар ва қишлоқларда урушга қарши ўтаётган митингларнинг қатнашчилари КПСС ва Совет ҳукуматининг ташқи сиёсий йўлини астойдил қўллаб-қувватламоқдалар. Улар АҚШ маъмуриятини СССРнинг оқилона ишидан намуна олишга даъват этмоқдалар, тинчлик тантанаси йўлида бор куч-ғайратларини сарфлашга тайёр эканликларини айтмоқдалар.

ЯКДИЛЛИК

● НАМАНГАН. Намангандаги шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси тўқувчилик фабрикаси ходимлари оммавий митингда Совет Иттифоқининг АҚШ авж олдириб юборган ракета-ядро қуролланиш пойгасини жиловлашга қаратилган тинчлик ташаббусларига юқори баҳо бердилар.

— Планетадаги меҳнат аҳлининг ҳозир ядро хавфини бартараф этишдан кўра муҳимроқ вазифаси йўқ. Биз мамлакатимиз мораторий муддатини тўртинчи марта узайтириб, мана шу ғоят долзарб проблемани ҳал этиш йўлида муҳим қадам қўйганлиги билан фахрланамиз, — деди тўқувчи Л. Волченко. — Биз Ғарб давлатлари ҳам масъулиятни сезиб, ана шундай жавоб қилишларини кутамиз.

Митингда сўзга чиққан мастер Р. Билолов, калавачи М. Давлетшина, нормаловчи И. Дугова, бошқа нотиқлар Ер юзидаги яхши ниятли барча кишиларни ядро синовларини тўхтатиш учун курашда куч-ғайратларни бирлаштиришга чақиридилар. Қабул қилинган резолюцияда ишчиларнинг фидокорона меҳнат билан Советлар мамлакати қудратини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш ҳақидаги якдил фикри ифодаланди.

БАРЧАНИНГ ИСТАГИ

● РОМИТАН (Бухоро области). Совет Иттифоқи қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун яратган тарихий имконият қўлдан бой берилмаслиги керак!

Бу ерда бўлиб ўтган митинг қатнашчиларининг талаби ана шундай.

— Ер юзидаги барча оналар каби мен ҳам болаларим ва невараларим уруш даҳшатларини кўрмасинлар дейман, — деди «Партия XXVI съезди» совхозининг сут соғувчиси А. Розиқова. — Мамлакатимизнинг инсонпарварлик ҳаракатларини совхозимиз дала ва фермалари меҳнатчилари номидан қизғин маъқуллайман. Тинчлик тўғрисидаги ғамхўрликка жавобан янада яхшироқ ишлаймиз. Бу йил зиммамизга олган социалистик мажбуриятларни бажариш учун бутун куч-ғайратимизни сарфлаймиз.

Митинг қатнашчилари АҚШ бошчилигидаги Ғарб давлатларининг совет тинчлик ташаббуслари моҳиятини бузиб кўрсатишга уринишларини қораладилар. Совет Иттифоқининг тинчликка интилиши унинг ожизлиги эмас, балки келгуси авлодлар тақдири учун масъулиятни ҳис этиши далилидир, дейилади митингда қабул қилинган резолюцияда. Унда СССРнинг барча халқлар манфаатларига мос келаданган тинчликсевар ташқи сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаш изҳор этилган.

(ЎзТАГ).

ҚУДРАТЛИ ҚУРОЛ

Биз яшаб, меҳнат қилаётган давр — алоҳида давр,туб бурилиш давридир. Социал-иқтисодий тараққиётимизнинг истиқболи, улкан бунёдкорлик режаларимизнинг тақдири биз бугун ўз ишимизни қанчалик қатъият билан қайта қура олишимизга, моддий ва маънавий ресурсларни нечоғли тўла сафарбар эта олишимизга боғлиқ.

Коммунистик партиянинг синалган қуроли — танқид ва ўз-ўзини танқид партия, совет, хўжалик органлари, жамоат ташкилотларининг барча бўғинларида мана шу ижодий янгиланишнинг, барча жабҳаларда ишни асосли равишда қайта қуришнинг энг таъсирчан қуролидир. Танқид ва ўз-ўзини танқид ҳар биримизнинг тафаккуримизни, ишга муносабатимизни, партия олдидаги, халқ ва Ватан олдидаги бурчни нечоғли чуқур англашимизни — қисқаси, ижтимоий позициямизни намоён этиш омили ҳисобланади.

«Танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш, дабдабабозликка қарши курашни кучайтириш зарурлиги илгаригига нисбатан ҳозир жиддийроқ сезилмоқда, — деб таъкидланди КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида. — Яқин ўтмишдан бизга шу нарса маълумки, танқид ва ўз-ўзини танқид бўғилган, реал вазиятни партиявий таҳлил қилиш ўрнини муваффақиятлар ҳақидаги гаплар эгаллаган жойда бутун партиявий фаолият издан чиқади, беғамлик, ғоят жиддий оқибатларга олиб келадиган бебошлик ва жазодан четда қолиш вазияти вужудга келади».

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида кейинги йилларда республикада вазиятни соғломлаштириш, социал адолатни қарор топтириш йўлида кенг кўламли тадбирлар изчиллик билан амалга оширилаётир.

Кўпчилик партия ташкилотларида танқид ва ўз-ўзини танқиднинг ролини ошириш, коммунистлар, меҳнаткашлар кенг оммасининг фикр-мулоҳазаларига ҳушёрлик билан муносабатда бўлиш вазияти тобора чуқур қарор топмоқда. Бунда ягона сиёсий қонлар, очиқ эшиклар куни, очиқ хатлар куни ва меҳнат аҳли билан жонли мулоқотнинг бошқа формалари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Партия комитетлари КПСС XXVII съезди, Узбекистон Компартиясининг XXI съезди кўрсатмаларига амал қилиб, ҳар бир меҳнат коллективида ўзаро талабчанлик, уюшқоқлик, ижодий изланиш ва ташаббус кўрсатишга интилиш руҳини кучайтириш чораларини кўрмоқдалар. Ишчи йиғилишлари, коммунистларнинг даврали, партия комитетларининг пленумлари ва актив йиғилишларида ўн иккинчи беш йиллик план топшириқлари бажарилишининг аҳволи партиявий принципиаллик билан чуқур таҳлил этилянти, камчилик ва нуқсонлар атрофлича муҳокама қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан амалий таклифлар киритилмоқда. Ошкоралик, ҳар бир нарсани ўз номи билан аташ, эришилаётган ютуқларни ҳам, йўл қўйилаётган камчиликларни ҳам принципиал баҳолаш, белгиланган тадбирларнинг огишмай бажарилиши учун собитқадам курашни ўз самарасини бермоқда. Шуни айтиш кифояки, ўтган саккиз ой мобайнида республика саноати ва қишлоқ хўжалигида муайян ижобий силжишларга эришилди. Меҳнат унумдорлиги ошиб бормоқда. Барча резервларни ишга солиш йўлида тобора изчил иш олиб борилаётир.

Аммо республикада бўлиб ўтган партия активлари йиғилишлари ва партия комитетларининг пленумларида шу нарса аён бўлдики, ҳали ҳамма ерда ҳам, кадрларимизнинг барча қатлами ҳам ишни қатъиян қайта қуриш, туб бурилиш босқичининг моҳиятини тўла англаб олгани йўқ. Чунончи, Бухоро ва Ғиждувон районларида йиғилишларнинг танқидий руҳи ҳануз суст. Тошкент шаҳри ва пойтахт район партия комитетлари маҳсулот сифатини оширишга доир танқидлардан, меҳнаткашларнинг ҳақли эътирозларидан ҳануз зарур хулоса чиқариб олмаётирлар. Жиззах шаҳар партия комитети коммунистларнинг танқидий фикр-мулоҳазаларига жиддий эътибор бермаётир. Бир қатор партия комитетларида чорвачиликни кескин ривожлантиришга тааллуқли танқидлар юзасидан зарур тадбирлар кўрилмаётир.

Ғоҳида ғаразгўйлик мақсадларида танқид қилиш, ғоҳида ишнинг ҳақиқий аҳволини ва ходимларнинг амалий позициясини холисона баҳоламаслик ҳоллари учраб турибди. Айрим партия комитетлари матбуот, радио, телевидение танқидига бефарқлик билан муносабатда бўлмоқдалар, улар юзасидан амалий чоралар кўрмаётирлар.

Партия комитетлари шуни асло унутмасликлари керакки, соғлом, холис, адолатли танқид ишга масъулиятли муносабатни қарор топтиришда, қолоқлик ва турғунликка, ўзибўларчилик ва кўзбўямачиликка муросасизлик вазиятини вужудга келтиришда ғоят муҳим ўрин тутади. Эндиликда социал-иқтисодий ҳаётдаги камчилик ва нуқсонларни илғаб, уларни шунчалик қоралаб қўя қолишнинг ўзи асло кифоя қилмайди. Масъулиятсизлик, бепарволик, лоқайдлик кўринишларини вақтида илғаб олиш ва кўрсатишнинг ўзи етарли эмас. Бракчилар, сафсатабозлар, такасалтанглар, текинхўрларга уларнинг қиёфасини кўрсатиб қўя қолишнинг ўзи фойдасиз.

Қайта қуришнинг моҳияти шундаки, биз ўзимизга ҳам, тевараксатрофимизда яшаб, меҳнат қилаётган кишиларга ҳам ягона мезон билан назар ташламоғимиз лозим. Бу мезон большевикча ростгўйликдир. Бу мезон ҳамма жойда соғлом, ишчан, маънавий муҳит учун партиявий масъулият туйғусидир. Танқид ва ўз-ўзини танқид мана шундай партиявий талабчанлик моҳитини қарор топтиришнинг қудратли қуроли эканлигини ҳеч қачон унутмаслик керак.

Ҳар бир раҳбар ходим танқидга — бу танқид қаерда — хоҳ катта-кичик минбарларда, хоҳ амалий учрашувлар чоғида, хоҳ матбуотда, радиоэшиттиришлари ва телекўрсатувларда айтилишидан қатъи назар — дарҳол амалий жавоб бершга, зарур чоралар кўришга мажбурдир. Бугун раҳбарнинг партиявийлиги, ишга эътиқоди туб бурилиш даври ғоялари — КПСС XXVII съезди илгари сурган ғояларни амалга ошириш учун курашдаги изчиллиги билан белгиланади. Ҳеч бир ходим танқиддан холи эмас. Бугун танқиддан холи зоналар ёки тармоқлар ҳам йўқ.

Танқид қуруқ сўз, шунчаки мақсад бўлиб қолмаслиги лозим. Ҳар қандай танқидий фикр, фойдали мулоҳаза амалий чоралар билан, ташкилий тадбирларни амалга ошириш билан уйғунлаштириб юборилмоғи даркор. Шунчаки танқид — фойдасиз, ҳатто зарарли. Ишнинг аҳволини тубдан яхшилаб юбориш тўғрисида большевикча ғамхўрлик билан суғорилган танқидни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим, ундан амалий хулосалар чиқариб олиш партиявий бурчдир!

Партия комитетлари мақтанчоқлик, дабдабабозлик кўринишларига қатъиян хотима бершлари лозим. Нуқсонларни хаспўшлашга чек қўймоқ даркор. Танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш, ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир меҳнатчининг ҳаётий позициясини активлаштириш чораларини кўриш муҳим партиявий ишдир. Бу бутун кучни КПСС XXVII съезди, Узбекистон Компартиясининг XXI съезди қарорларини амалга ошириш, КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатномасига жавобан ўн иккинчи беш йиллик планлари ва мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун курашга сафарбар этишнинг зарур шартидир.

ҲОСИЛ-86

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ЙЎҚЛАМАСИ: ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМ ТЕХНИКАСИ ТАЙЁРГАРЛИГИ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

МАШИНА ТЕРИМИ—ИШИМИЗ УНУМИ

КПСС XXVII съезди қарорлари ва партия Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасидан руҳланган республикамиз механизаторлари бу йил камида 3,5 миллион тоннадан зиёд «оқ олтин»ни «зангори кема»лар бункеридан тўкиш мажбуриятини олишган. Бу юксак маррани эгаллаш учун шубҳасиз, машина теримига пухта ҳозирлик кўриш талаб этилади. Зеро, йил бўйи пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилимиз тақдири терим техникасининг нечоғли шайлангаплик даражасига боғлиқ.

Бу йилги мавсум масъулиятини тўғри англаб етган кўпгина областлар, районлар, колхоз ва совхозлар ўз устахоналарида техника ремонтини барвақт тугаллаб қўйдилар. Мавжуд машина-механизмлар сифатли ремонт қилиниб, тайёргарлик чизиғига келтириб қўйилди.

Аммо ҳамма ерда ҳам машина теримига ҳозирлик кўнгилдагидек олиб бориляпти, деб бўлмайди. Қатор районлар, колхоз ва совхозларда йиғим-теримда ишлатиладиган машина-механизмлар ремонти ҳамон ўлда-жўлда. Ремонт муддатлари турли баҳоналар билан кечиктириб юборилмоқда. Қўлдан чиқарилган техника восталарининг сифати талаб даражасида эмас. Тайёргарлик чизиғига келтирилган агрегатлар созлиги текшириб кўрилганда уларда кўплаб нуқсонлар учрамоқда.

«Совет Узбекистони» газетаси бугундан бошлаб, республикамиз хўжаликларида машина теримига тайёргарлик қандай кетаётганлиги ҳақида анъанавий йўқлама ўтказиб, ўз мухбирлари бераётган материалларни диққатингизга ҳавола этиб боради.

ТОШКЕНТ

ТАЛАБЧАНЛИК ЕТИШМАГАЧ

— Экиш, суғориш, ишлов бериш, чеканка қилиш каби агротехник усулларда камчиликка йўл қўйилса, уни тузатса бўлади, — дейди Ғалаба район пахтакорлар Совети раиси Р. Каримов, — аммо техника ремонтида янглишилса, хотиржамликка берилиш бўлса, уни ўнглаб бўлмайди...

Куни кеча «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» тажриба хўжалигида бўлиб ўтган район техника кўрик-конкурсида куйиниб айтилган бу гап бежиз эмас...

Тўғри, ҳосилнинг 90 процентини машиналар ёрдамида йиғиштириб олиш ташаббуси билан чиққан Ғалаба райони механизаторлари шу куни кўрик-конкурсга 130 та пухта созланган «ОВХ-14», «ОВХ-28» чанглатгич-пуркагич тракторлари олиб келишди. 4 колхоз ва 2 совхоз мукофотли ўринларга лойиқ кўрилди.

Район хўжаликларида «зангори кема»лар ремонти асосан тугалланди. 10 сентябрь худди шу ерда яна созланган техника воситалари кўриги бўлиб ўтади. Унда 427 та пахта териш машинаси қатнашиб, ремонт сифатига алоҳида эътибор берган хўжаликлар моддий ва маънавий рағбатлантирилади. Областнинг Коммунистик, Чиноз, Пискент, Янгийўл районлари хўжаликларида ҳам пахта йиғим-теримси мавсумида ишлатиладиган техника ремонти қарийб ниҳоясига етди.

Бироқ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг бу йилги пахта ҳосилини машинада теришга ва тайёрлашга ҳозирлик кўриш соҳасидаги энг зарур тадбирлар ҳақидаги қарорини бажариш юзасидан областнинг ҳамма хўжаликларида ҳам изчиллик кўрсатиляпти, деб бўлмайди. Жумладан, Оҳангарон, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ, Бекобод районларида техника ремонти муддатлари чўзилиб кетмоқда. Масалан, Бекобод районида жами 2141 трактордан 1940 таси, 70 та чанглатгич-пуркагичнинг 65 таси, 47 та кўрак терадиган машинанинг 38 таси, 386 та «зангори кема»нинг 379 таси созланган. Оққўрғон районида эса 13 та чанглатгич-пуркагич, 110 та трактор прицепи, 17 та пахта териш ва 25 та кўрак терадиган машина ремонтталаб бўлиб ётибди. Оҳангарон райони хўжаликларида, айниқса, трактор прицеплари (79,5 процент), чанглатгич-пуркагичлар (83,3 процент), ҳайдов тракторлари (75,8 процент)ни созлаш ишлари пайсалга солинмоқда.

Шу йилнинг 1 сентябрига бўлган маълумотлардан олинган бу рақамлардан кўринаётган турибдики, йиғим-терим долзарб палласи бошланишига саноқли кунлар қолганига қарамай жойларда техника ҳозирлиги қониқарли эмас. Бунинг туб сабабини район партия, совет ташкилотлари, агросаноат бирлашмалари раҳбарларининг пахтачиликни механизациялаш ишига жиддий эътибор бермаётганлиги, бу соҳада ўзлари ишлаб чиққан тадбирлар ижросини сust назорат қилаётганлиги, ремонт бригадаларига талабчанликни бўшаштириб юборганлигидан излаш керак.

А. МАННОПОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХОРАЗМ

ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ЁҒАР

Халқимиз «Қолган ишга қор ёғар» деб бежиз айтмаган. Бугунги ишни эртага қўйган киши панд ейди. Айниқса, йиғим-терим тараддудини кейинга сурган деҳқон ютқазиб қўйиши кўп йиллик тажрибадан маълум.

Областнинг Гурлан, Хонқа ва Янгибозор районлари механизаторлари терим техникасини мавсумга барвақт ва сифатли шайлаб қўйганликларини алоҳида таъкидлаш керак. Область далаларида бу йил 15 та терим-транспорт отряди ишлайди. Далаларни тайёрлаш учун 140 та техника хизмати, маданий-маиший хизмат кўрсатадиган 229 та звено тузилиб, уларга малакали механизаторлар, мутахассислар ва зарур техника воситалари бириктирилди. 1762 та терим машинаси, транспорт тракторлари ва прицеплар, 277 та заправка қиладиган агрегат, 100 та кўчма устахона, кўрак териш ва чувиш механизмларини оммавий терим мавсумига қадар тахт қилиш ишлари поёнига етай деб қолди.

Лекин областда 44 та терим машинаси, 147 та кўрак териш ва 117 та кўсак чувиш механизми ҳали ремонтдан чиқарилмаган. Боғот районида 160 та терим машинасидан 132 таси, 83 та кўрак узиш комбайнидан 62 таси, 113 та кўсак чувиш агрегатидан 91 таси ремонт қилинган.

Шуниси ачинарлики, ремонтдан чиқарилган механизмларнинг баъзилари ҳар хил қусурлардан холи эмас. Район агросаноат бирлашмасига қарашли ремонт корхонаси раҳбарлари техника ремонтини асоссиз равишда чўзиб юборишди. Қатор хўжаликларда далаларни бегона ўтдан тозалаш ва теримга тайёрлаш, техникани созлаш кечикмоқда. Яқинда область партия комитетида илғор механизаторлар ва мутахассислар кенгаши ўтказилиб, унда кўпгина хўжаликларда машина теримига ҳозирлик даражаси чуқур таҳлил қилинди. Хива районидаги Ленин номли, Ҳазорасп районидаги Фрунзе номли ва бошқа колхозларда агрегатларнинг бир қисми чала ремонт қилинганлиги, кўпгина хўжаликларда ёнилғи-мойлаш материаллари ғамлаб қўйилмаганлиги аниқланди.

Областда дефолицияни ўтказишга тайёргарлик кўришда ҳам жиддий камчиликлар ҳукм сурмоқда. «ОВХ-14», «ОВХ-28» маркали 715 та агрегат, барг тўктирувчи химиявий воситалар тўла тахт эмас. Баъзи раҳбарлар дефолицияни ер усти аппаратлари ёки самолётлар ёрдамида ўтказиш масаласида ҳали бирор ечимга келолмай аросатда юрибдилар.

Вақт ғанимат. Машина теримига ҳар тарафлама шай бўлиб кириишиш учун ҳамма нарсани тахт қилиш шу кунинг кечиктириб бўлмас вазифасидир.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҚАШҚАДАРЁ

МАВСУМ ЭШИК ҚОҚЯПТИ

Қўриқ область далаларида пахта қийғос очилмоқда. Колхоз ва совхозларда ҳосилни саралаб териш кун сайин авж оляпти. Қатор хўжаликлар ялпи ҳосилнинг асосий қисмини машиналар ёрдамида териб олиш учун пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Косон районидаги Энгельс номли совхоз меҳнат аҳли съездлар йилида пландаги 6430 тонна ўрнига 7 минг тонна пахта тайёрлашга, ҳосилнинг 80 процентини машиналарда териб олишга аҳд қилган. Бунинг учун мавжуд пахта териш машиналари, кўрак териш ва чувиш агрегатлари ҳозирданоқ шай. Учта терим-транспорт отряди тузилиб, ғўза баргини сунъий тўктириш учун дефолиантлар ҳозирлаб қўйилди.

Шунингдек, Нишон районидаги С. Альенде номли, У. Юсупов номли, Қарши районидаги «Ленинизм», Ульянов районидаги Дзержинский номли совхозлар, Косон районидаги «Партия XXII съезди», Шаҳрисабз районидаги «Социализм», Яккабоғ районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозларида ҳам терим тайёргарлиги ёмон эмас.

Аммо йиғим-терим мавсуми бошланиб кетганига қарамай, областдаги ҳамма хўжаликларда ҳам машина теримига тайёргарлик талабга жавоб беради, деб бўлмайди. Колхоз ва совхозлардаги мавжуд 4278 та пахта териш машинасидан эндигина 3440 таси тайёрланганлиги нормал ҳол эмас, албатта. Кўрак териш ва чувиш агрегатлари, юк ортиш воситалари, трактор прицеплари ҳамда бошқа механизмларнинг бир қисми ремонти ҳануз ниҳоясига етгани йўқ.

Айниқса, Баҳористон ва Муборак районларида ҳар йилгидек, бу йил ҳам тайёргарлик сust. Рақамларга эътибор қилинг: Баҳористон районида бугунгача 408 та терим машинасининг 240 таси, Муборакда 347 машинадан 235 тасигина тайёрлигини қандай баҳолаш мумкин? Район агросаноат бирлашмаси раҳбарлари қаёққа қараяпти?

Шунингдек, бу районларда кўрак узиш ва чувиш агрегатлари ҳам 80—85 процент атрофида ремонтдан чиққан, холос. Хусусан, Баҳористон районидаги 25-, 35-, Қарши районидаги 12-, Нишон районидаги «Туркманистон» совхозларида бу муҳим ишлар ғоят чўзилиб кетмоқда.

Бу йил ялпи ҳосилнинг 70 процентини машиналарда теришни мўлжалга олган область механизаторлари, мутасадди ташкилотлар ва уларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислар шошилинч чоралар кўрмаса бўлмайди.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР САНОАТИДА 1986 ЙИЛ ЯНВАРЬ-АВГУСТ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Республика саноати маҳсулот реализация қилиш юзасидан 1986 йил январь-август планини 103 процент бажарди, саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1985 йил январь-августида эришилган даражага нисбатан 7,3 процент ўсди.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,1 процентни ташкил этди, маҳсулотни кўпайтиришнинг 71 проценти меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига олинди.

Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри саноатида маҳсулот реализация қилиш, ишлаб чиқариш ҳажми, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари юзасидан 1986 йилнинг январь-август плани қандай бажарилганлигини қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин.

	планнинг бажарилиш проценти			
	маҳсулот реализация қилиш	ишлаб чиқариш ҳажми	меҳнат унумдорлиги	1986 йил январь-августи 1985 йил январь-августига нисбатан процент ҳисобида ишлаб чиқариш ҳажми
Ўзбекистон ССР	103	102	102	107,3
Шу жумладан:				
Қорақалпоғистон АССР	105	104	101	103,3
Андижон области	101	100,5	99	100,6
Бухоро области	103	103	102	114,5
Жиззах области	101	99,4	100,9	119,5
Қашқадарё области	104	103	103	123,3
Навоий области	100,7	100,7	102	108,3
Наманган области	102	102	100,7	105,5
Самарқанд области	103	102	101	102,6
Сурхондарё области	108	107	108	121,0
Сирдарё области	103	101	102	109,1
Тошкент области	102	102	102	106,0
Фарғона области	103	102	101	106,9
Хоразм области	111	105	105	109,4
Тошкент шаҳри	101	102	101	104,8

Нефть ва газ қазиб олиш, тракторлар, трактор сеялкалари, пахта териш машиналари, минерал ўғит, цемент, пайпоқ ва трикотаж маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, консерва ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан 1986 йил январь-август плани ошириб бажарилди.

Жами ишлаб чиқариш ҳажмида олий сифат категориясидаги маҳсулотнинг улуши планлаштирилган даражадан ошди ва 9,8 процентни ташкил қилди.

Шу билан бирга 120 та ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхона маҳсулот реализация қилиш юзасидан январь-август планини бажармади, улар планга нисбатан 86,4 миллион сўмлик маҳсулотни кам реализация қилди. Бу корхоналар орасида Навоий электр химия заводи, Жиззах аккумулятор заводи, Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташавтоматика» заводи, Бухоро пойабзал фабрикаси, Пойтуғ ишлаб чиқариш йиғирув-тўқув бирлашмаси, Улуғбек пахта заводи, Қарши «Местпром» фабрикаси ва бошқалар бор.

294 та ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхона маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини ҳисобга олганда маҳсулот реализация қилиш январь-август планини бажармай, 181,5 миллион сўмлик маҳсулотни кам етказиб берди.

Қолоқ корхоналар орасида Ўзбекистон металлургия заводи, Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Андижон ип-газлама комбинати, Янги Тошкент консерва комбинати бор.

Электр двигателлар, дизеллар, экскаваторлар, химиявий тола ва иплар, синтетик аммиак, ип ва шойи газламалар; кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш плани бажарилмади.

Саноат бирлашмалари ва корхоналарининг меҳнат коллективлари КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди ўртага қўйган вазифаларни амалга ошира бориб, 1986 йил планини муваффақиятли бажариш учун мавжуд резервларни сафарбар этмоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

КАТТА ХИЗМАТЛАР УЧУН МУКОФОТ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикаси халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдаги катта хизматлари, тинчлик ва социализмни мустаҳкамлаш ишига қўшган зўр ҳиссаси учун ва туғилган кунига 75 йил тўлиши муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси ўртоқ Тодор Живковни Октябрь Революцияси ордени билан мукофотлади.

* * *

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми Болгария Халқ Республикасининг атоқли партия ва давлат раҳбарини, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таниқли арбобини туғилган кунига етмиш беш йил тўлиши билан чин дилдан табрикладилар. Ўртоқ Тодор Живковга юборилган табрикномада айтиладики, у ўзининг бузилмас Совет — Болгария дўстлигини мустаҳкамлаш, БКП билан КПСС нинг, БХР билан СССРнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги барча соҳаларидаги баҳамжиҳат ҳаракатларини чуқурлаштириш ишидаги содиқлиги билан коммунистларнинг, бутун совет халқининг чуқур ҳурматига сазовор бўлди. (ТАСС).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

Т. А. ПЕТРОСЯН (ТАМАРАХОНИМ)НИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика қўшиқ-хореография санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига саксон йил тўлиши муносабати билан СССР халқ артисти ўртоқ Тамара Артёмовна Петросян (Тамарахоним) Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
О. САЛИМОВ.

Секретарь учун —
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси
Ш. МИРСАИДОВ.

Тошкент шаҳри,
1986 йил, 6 сентябрь.

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ КИТОБИ ШВЕД ТИЛИДА

СТОКГОЛЬМ, 5 сентябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг танланган нутқлари ва мақолалари тўплами Швециядаги «Фрам» нашриётида швед тилида босилиб чиқди. Тўпламга КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездига Сиёсий доклади, М. С. Горбачевнинг 1986 йил 15 январдаги Баёноти, совет раҳбарининг бошқа энг муҳим нутқлари киритилган.

Китоб М. С. Горбачевнинг швед китобхонларига мурожаатномаси билан очилади.

БУГУН—НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

РЕЗЕРВЛАРНИ ҲАРАКАТГА КЕЛТИРИБ

Ҳамма ерда жадаллаштириш талаблари асосида иш тутилмоқдаки, бу меҳнатни ташкил қилишнинг барча жабҳаларида қайта қуришни талаб этяпти. Қайта қуриш муваффақиятли амалга оширилаётган жойларда юксалиш имкониятлари кўриниб турибди. Шу имкониятлардан фойдаланиш, янги резервларни ҳаракатга келтириш натижасида ҳозирдаёқ тармоғимиз ходимлари ўн иккинчи беш йиллик марраларини эгаллашда янги ютуқларни қўлга кирита бошладилар.

Бирлашма коллективи шу йилнинг саккиз ойида самарадорлик сари дадил қадамлар қўйди. Бугунгача планга қўшимча 20 минг тонна нефть ва 11 миллион куб метрдан зиёдроқ газ қазиб чиқарилди. Меҳнат унумдорлиги пландагига нисбатан 4 процент ортди. Шу ҳисобдан қарийб 750 минг сўмлик пландан ташқари фойда кўрилди.

КПСС Марказий Комитетида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб 1985 йили ўтказилган кенгаш кўрсатмаларига мувофиқ, бирлашмада фан-техника тараққиётини жадаллаштириш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг комплекс программаси ишлаб чиқилди. Бу тадбир ўн иккинчи беш йилликда ва 2000 йилгача бўлган даврда тармоқ ишлаб чиқаришини янада юксалтириш имкониятларидан кенгроқ фойдаланишга ёрдам беради.

Ушбу тадбир биринчи категорияли нефть қазиб чиқаришни 100 процентга етказишни кўзда тутади. Мураккаб кон-геология шароитларида ҳам нефть қазиб чиқаришни эришилган даражаларда сақлаб қолиш мумкин бўлади. Бунда барча чуқур қудуқлардаги насосларни телемеханизациялаш ҳам белгилаб қўйилган. Қудуқларнинг ремонтлараро муддатини узайтириш ва нефтдан чиқадиган газнинг исроф бўлишини камайтириш назарда тутилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу ишларни амалга оширишга жадал киришилди.

Қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши учун қатъий кураш олиб борилмоқда. Қўқон пармалаш ишлари бошқармаси, Чимён ремонт-механика заводи ва «Каршинефть» бошқармаси коллективлари планларнигина эмас, қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларни ҳам муваффақиятли адо этиб, социалистик мусобақа якунларида бирлашмада мукофотли ўринларни эгалладилар.

Нефть ва газ қазиб чиқарувчи кўпгина бригадалар, етакчи касбдаги қатор бригадалар бирлашма корхоналари коллективларининг 1986 йил олти ойлик иш якунларида социалистик мусобақа ғолиблари қаторидан ўрин олдилар. Уларга «Бирлашманинг энг яхши нефть ва газ қазиб чиқарувчи цехи», «Бирлашманинг пешқадам бригадаси» номлари берилди. Шу коллективлар пул мукофотлари билан ҳам тақдирландилар.

Тармоқ ходимлари байрами кунида Жарқўрғон нефть бошқармаси оператори, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Мамаюсуф Абдуқулов, Андижон нефть бошқармаси ремонтчи слесари Қаҳҳоржон Мамажонов, Фарғона нефть бошқармаси токари Тиллабой Шерматов, Андижон нефть бошқармаси электр пайвандчиси Ғулом Тешабоев ва бошқа ўртоқларнинг номларини алоҳида ифтихор билан таъкидлаб ўтмоқчимиз. Улар ишга коммунистик муносабат намуналарини кўрсатиб, маҳсулот тайёрлаш ҳажмини ошириш ва самарадорлик учун курашда ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқдалар.

Бирлашма коллективи Ғарбий Сибирь нефтчиларига қудуқлар ремонтини тезлаштиришда муносиб ёрдам кўрсатмоқда. Шу йилнинг январь ойида нефть қудуқларини ремонт қилиш билан шуғулланувчи махсус бошқарма тузилди. Бошқарма коллективи Тюмендаги «Нижневартовскнефтегаз» бирлашмасидаги ҳамкасбларига қатламлардан маҳсулот олишни кўпайтиришда ва қудуқларни капитал ремонт қилишда яқиндан амалий ёрдам кўрсатаётир.

Бугунги кунда Тюмень областида республикамизнинг 800 нефтчиси меҳнат қилмоқда. Бирлашмамиз вакиллари замонавий ишлаб чиқариш базалари ва ётақўна ишланадиган посёлкалар барпо этмоқдалар. Қудуқлар ремонти юзасидан саккиз ойлик план 107,3 процент бажарилди. Шу давр ичида Сибирда 100 дан ортиқ қудуқ ремонт қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Коллективимиз бўлинмаларининг меҳнаткашлари ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун қизғин юриш бошладилар. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномаси, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа ўтказиш ҳақидаги қарорига жавобан, ўз имкониятлари ҳамда резервларини ҳисобга олиб, оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Ушбу мажбуриятларга кўра 1986 йилда илгари қабул қилинган социалистик мажбуриятга қўшимча равишда 10,5 минг тонна нефть қазиб олишга қарор қилинди. Шунингдек, аввал олинган мажбуриятлардан ташқари 720 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади, 500 метр чуқур қудуқ пармалаш ишлари бажарилади.

Лекин нефтчилар ва газчилар яна ҳам улканроқ марраларни эгаллашлари мумкин. Ҳозир коллективимиз ишчилари ва мутахассислари бутун эътиборни юксалиш одимларини жадаллаштириш учун мавжуд имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш, янги резервларни ҳаракатга келтиришга қаратмоқдалар.

«Средазтрансгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Хива газ компрессор станциясида янги қувватлар ишга туширилди, участкалар реконструкция қилинди. Натижада шартнома мажбуриятларини бажариш тубдан яхшиланмоқда. Коллектив истеъмолчиларга йил бошидан буён бир неча юз миллион кубметрдан зиёд «зангори ёқилғи» жўнатди.

Суратда: ишлаб чиқариш илғорларидан (чапдан-ўнгга) машинист Исоқ Отажонов, ремонтчи-слесарлар Ренат Аминов, Рашид Султонбеков ва Қадам Бобожонов.

Қ. Отаев фотоси (ЎзТАГ).

Очиқ айтиш керакки, партия бизга камчиликларни тезроқ бартараф этиш йўлларини кўрсатиб берди. Жумладан, бирлашма бўйича иш ҳақи меҳнат унумдорлигидан илдамроқ ўсмоқда. Ҳозир ана шу масалани ҳал қилиш устида жиддий ишлар олиб бориляпти. Техника хавфсизлиги талабларига қатъий амал қилишимиз зарур. Ёнилғи-энергетика комплекси барча ходимлари қатори бизнинг бирлашмамиз коллективи ҳам тармоқ тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши зарур.

Қишда корхоналарнинг бир меъёрда ишлаши, кишиларнинг кайфияти яхши бўлиши ва уй-жойлар иситилиши кўп жиҳатдан бизга боғлиқ эканлигини яхши биламиз. Ҳозир бутун диққат-эътибор кузги-қишки ойларда ҳам ғайрат-шижоат билан ишлаб, жадаллаштириш даври талабларига хос самарадорлик йўлидан бораверишга қаратилган. Бу эса партия XXVII съезди белгилаб берган улуғвор режаларни муваффақиятли бажаришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Қ. ҲАҚҚУЛОВ,
«Узбекнефть» бирлашмаси бош директори.

ЖАНГОВАР АТЕИЗМ УЧУН

ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Кейинги пайтда қўриқ Нишон районининг партия ташкилотларида КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорлари асосида атеистик тарбияни яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Яқинда район партия комитети «Атеистик тарбияни такомиллаштирайлик» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказди.

Конференцияда бошланғич партия, комсомол ташкилотларининг секретарлари, шаҳар ва қишлоқ Советлари ижроия комитетларининг раислари, совхоз директорларининг маданий ишлар бўйича ўринбосарлари, атеист-лекторлар иштирок этишди.

Район хўжаликлари ва ташкилотларидаги турмуш ва маданият, атеизм халқ университетларида 200 га яқин тингловчи қатнашаётир. Икки жойда ёш лекторлар мактаби машғулоти ташкил этилган. Саккиз жойда атеистик клуб ва 28 жойда атеистик бурчаклар ишлаб турибди. Лекин илмий-амалий конференцияда асосий эътибор уюштирилаётган лекция ва суҳбатлар, савол-жавоб кечалари, янгича анъанани тарғиб қилиш савиясини оширишга қаратилди.

— Бу борадаги ишларимизда жиддий нуқсонлар мавжуд,—деди конференцияда сўзга чиққан район партия комитети секретари О. Эркаева.—Айрим жойларда атеистик тарбияни ташкил этишда ҳали ҳам расмиятчилик кўринишлари мавжуд. Аҳоли ўртасида турқум лекциялар ташкил этилмайди. Олимлар билан шу мавзуда савол-жавоб кечалари ўтказилмаётир. Комсомол-ёшлар ўртасида атеистик тарбияни ташкил этишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Айрим қабристонларни илоҳийлаштираётган кишиларга нисбатан муросасиз курашмоқ керак.

Конференцияда лекция пропагандасининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, атеистик тарбияни такомиллаштириш юзасидан қатор тадбирлар белгиланди.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

8 СЕНТЯБРЬ— ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ

Тошкент Давлат университети журналистика факультетида юзга яқин чет эллик студент таҳсил олмоқда. Йигит ва қизлар бу ерда билим эгаллаш билан бирга бўлажак касбларни юзасидан тажриба ҳам ортгирмоқдалар. Улар Ўзбекистон йилдан-йилга равнақ топаётганлигининг, совет халқи ягона оилада аҳил яшаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдалар.

СУРАТДА: Тошкент Давлат университети журналистика факультетида Мали, Афғонистон, Чад, Лаосдан келиб ўқиётган студентлардан бир группаси.

А. Ильясов фотоси (ЎзТАГ).

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Ғиждувон пахта тозалаш заводи коллективи янги пахта мавсумига пухта ҳозирлик кўряпти. Корхонанинг кенг, ёруғ лабораториялари, кўплаб ўлчов асбоблари, тошгарозилар, турли маркадаги агрегатлар, барабанлар ремонтдан чиқарилди. Заводнинг қуритиш, тозалаш ва пресслаш цехларидаги барча асбоб-ускуналар тўла шай ҳолга келтирилган. Капитал ремонт соҳасида О. Убайдуллаев, Б. Аҳмедов, С. Содиқов, М. Тешаев каби ишчилар ғайрат кўрсатишяпти.

Завод ҳузуридаги тайёрлов пунктнинг Ҳ. Ўринов бошлиқ ремонт-механика цехи ишчилари 60 дан зиёд машина-механизмларни созладилар. Пунктдаги 34 ғарамлаш майдончаси, 3 омбор, 25 тоннаник учта тарози ҳосилни пешма-пеш қабул қилишга тайёр.

Корхонада кўп йиллардан буён ишлатиб келинаётган дастгоҳлар, машина-механизмлар янги серунум техника восталари билан алмаштириляпти.

Т. МАҚСУДОВ, ишчи.

ИШЧИ КОРЖОМАСИДА

Тошкент шаҳрининг Октябрь районидаги кўплаб корхона ва ташкилотлар коллективлари тўқимачилик комбинати ишчилари даъватига биноан, Волга автомобилсозлари ташаббусини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Район партия комитетида тузилган штаб бу соҳадаги ишларни мувофиқлаштириб турибди.

Масалан, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги системаси, бадиий буюмлар фабрикаси, чарм-галантерея ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчилари социал-маданий-маиший объектлар қурилишида 5 минг киши-куни ишлаб бердилар. Улар кучи билан маиший хизмат комбинати, спорт зали, магазин, ошхона ва ёзги кафе бинолари барпо қилинди.

Дам олиш кунларида тўрт кун текин ишлаб беришга аҳд қилган илғор коллективлар кўзланган тадбирларнинг ўз муддатида бажарилишини таъминлаш учун уюшқоқликни янада оширмоқдалар.

С. АЛИЕВ, пенсионер.

ЕСА ҚИЁҚ, ЕМАСА ТАЁҚ...

Гагарин районининг чорва озуқаси хусусан хашак тайёрлашда Сурхондарё областидаги бошқа районларга нисбатан анча қулай имкониятларга эга. Унинг жанубий зоналари Амударё ёқасидаги қайир ва ўтлоқ ерлар билан туташиб кетади. Бу ерларда турли-туман ўтлар билан бир қаторда чорва моллар учун азалдан тўйимли ва хушхўр озуқа ҳособланиб келган қизилмия ўсимлигининг туганмас запаслари ўсиб ётибди. Шу кунларда қизилмия айни пишиб етилган, дон олган пайт. Районнинг ғарбий-шимолий томонидаги Кўҳитанг тоғ этакларидаги минглаб гектар бўш ётган адирдаштлар, яйлов ва сойларда ҳам чорва моллар учун зарур бўлган янтоқ, шувоқ, шўра сингари ўсимликлар жуда кўп.

Хўш, районда ана шу имконият ва резервлардан қандай фойдаланиляпти? Аҳвол билан танишмоқ учун районга йўл олдик. Катта асфальт йўл ёқасида чодир тикиб, янтоқ чопаётган кишиларга дуч келиб, қувониб кетдик. Одатдаги салом-аликдан сўнг маълум бўлишича, улар қарийб юз километр узоқдаги тоғли Бойсун районидан келиб озуқа тайёрлашаётган экан. Улардан анча наридаги Хўшмон, Болдир, Чақиш, Қоракамар, Музабод қишлоқлари атрофида ҳам Ленин йўли, Шеробод, Олтинсой районларидан келиб хашак тайёрлаётган одамларни учратдик. Аммо Гагарин районидаги биргина «Комсомолобод» совхозидан ташқари бирорта ҳам хўжалик одамларини дарё бўйи, адир-дашт ва сойларда хашак жамғараётганликларини кўрмадик!

Тўғри, «Комсомолобод» совхози чорвадорлари имкониятлардан омилкорлик билан фойдаланиб, дағал хашак тайёрлаш бўйича белгиланган планни 115 процент уддаладилар. Бу ерда беданинг тўртинчи ўрими ниҳоясига етказилди. 3288 тонна ўрнига 3800 тоннадан зиёд дағал хашак тайёрланди. Чорва маҳсулотлари етиштириш бўйича ҳам хўжаликда жиддий силжиш рўй берди. Шу туфайли совхоз яқинда республика партия ва ҳукуматининг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлди.

Бироқ бошқа хўжаликлардаги аҳвол билан танишсангиз, чорва озуқаси тайёрлаш бўйича райондаги вазият анча ташвишли эканлиги кўзга ташланади. Район агросаноат бирлашмаси ва статистика бўлимидаги шу йил 4 сентябргача бўлган маълумотларга асосан дағал хашак тайёрлаш бўйича белгиланган план районда 87 процент бажарилди. Ёки, ёз фаслининг сўнгги кунлари эканлигига қарамай 33243 тонна ўрнига 29 минг тоннага яқин дағал хашак жамғарилди. «Правда» ва А. Икромов номли совхозлар (директорлари Т. Хушвақтов, Н. Ҳафизовлар) бу муҳим топшириқни атиги 60-85 процент уддаладилар. Э. Бўриев ва Х. Жумаев ўртоқлар директор бўлган «Пограничник» ва «Шоликор» совхозларида ҳам дағал хашак тўплаш 80 процент атрофида бажарилди.

Парда Худоёров директор бўлган «Искра» шоликорлик совхозида аҳвол айниқса, ачинарли. Бу хўжалик Амударё бўйидаги ўтлоқ қайирларда жойлашган, совхознинг чор атрофи тўйимли, ширадор ва хушрўй қизилмия ўсимлигининг кўз илғамас массивлари билан қопланиб ётибди. Шунга қарамай совхозда дағал хашак тайёрлаш плани бор-йўғи 40 процент бажарилди. Хўжаликнинг чорва мутахассислари тайёрланаётган озуқаларнинг сифатига мутлақо эътибор беришмайди. Улар «Еса қиёқ — емаса таёқ» қабилида иш тутиб, ҳар йили дағал хашак тайёрлаш топширигини тўйимлилиги паст ва чорва моллар хуш кўрмайдиган шоли похоли ҳосибига бажаришга ўрганиб қолишган. Улар афтидан бу йил ҳам шундай қилишни мўлжаллаб турибди.

Совхоз чорва маҳсулотлари тайёрлаш ва давлатга сотиш планларини ҳам барбод бермоқда. Сентябрь бошланганига қарамай бу ерда давлатга гўшт сотиш йиллик плани энди 75 процент, сут 50 процент бажарилди. Ўтган йили гўштга топширилган қорамолларнинг ўртача тирик вазни 404 килограммни ташкил этган бўлса, бу йил 236 килограммга тушиб қолди, ёки бир йил ичида ҳар бир бош қорамол ҳосибига гўшт етиштириш 168 килограммга камайди. Мана, сизга масъулиятсизлик ва бўшашувчанлик оқибати!

Чорва маҳсулотлари етиштириш район миқёсида ҳам қониқарли эмас. Масалан, давлатга гўшт сотиш йиллик плани ҳозиргача 77 процент, сут сотиш — 50 процент, тухум — 90 процент бажарилди. Район бўйича гўшт учун топширилган қорамолларнинг тирик вазни ўтган йилга нисбатан ҳар бош ҳосибига ўртача 87 килограммга камайиб кетди.

Хўш, аҳволнинг бундай ташвишли бўлишига сабаб нима? Аввало, шуни айтиш керакки, район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари, агросаноат ходимлари, хўжаликларнинг бошлиқлари ва мутахассислари жамоат чорвачилигини интенсив ривожлантириш, унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, маҳсулдорлигини ошириш ишлари билан етарли шуғулланишмаётир.

Бундан бир ярим ой олдин район халқ контроли комитети йиғилишида сўнгра эса район партия комитети бюросида чорва озуқаси жамғаришдаги қониқарсиз аҳвол муҳокама этилиб, жиддий қарорлар қабул этилган, хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларнинг кўпчилиги партиявий ва маъмурий йўл билан жазоланган эди. Аммо қарорлар ижроси учун изчил курашилмагач, белгиланган тадбирлар қоғозда қолиб кетаверди. Масалан, кўпчилик совхозларнинг раҳбарлари такрорий маккажўхори экиш топшириқларини бажармадилар, эски бедазорларнинг аксарият қисми ўзбошимчалик билан бузиб юборилди. Оқибатда, беда пичани тайёрлашга эътибор сусайди. Тайёрланаётган дағал хашакнинг сифати унутилиб, тонналар ортидан қувиш одат тусини олди.

Деярли ҳамма совхозларда тайёрланган чорва озуқасини бухгалтерия ҳисобидан ўтказиш пала-партиш ташкил этилган. Бундан фойдаланган айрим нопок шахслар қўшиб ёзиш, ўғирлик каби ярамас ишларга қўл урмоқдалар. Ҳанузгача жамоат чорваси ичида аҳолининг кўплаб шахсий, хусусан хўжалик раҳбарларининг моллари боқилаётир. Натижада аралаш озуқалар ва кундалик ўриб олинаётган ўтлар, айниқса, беданинг катта қисми қишга жамғарилмай молларгa едириб юбориляпти.

Бир қатор совхозларда жамғарилган хашакни сифатли сақлаш ёнғинга қарши кураш ишларига эътибор йўқ. Натижада кўплаб озуқа нест-нобуд бўлиб кетяпти. Район агросаноат бирлашмаси совети раисининг чорвачилик бўйича ўринбосари А. Болтаев ва РАПО нинг чорвачилик мутахассислари юқорида айтилган камчилик ва нуқсонларга кўникиб қолганга ўхшайдилар. Бўлмаса, улар қатор муҳокамалардан жиддий хулосалар чиқарган ва ишда кескин бурилиш ясаган бўлар эдилар.

Гагарин район партия, совет ташкилотлари ҳозирги вазиятдан тегишли хулосалар чиқармоқлари, чорва мутахассислари ва хўжалик раҳбарларидан жиддий масъулият ва жавобгарлик талаб этмоқлари, қолган ғанимат фурсатлардан унумли фойдаланиб, йўл қўйилган хатоларни — зудлик билан тузатмоқлари зарур.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПЛАНЛАРНИНГ СУБУТИ БОРМИ?

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида ем-хашак тайёрлашни қониқарсиз ташкил этганлиги учун Москва район партия комитети фаолияти қаттиқ танқид қилинганди.

Хўш, бундай ташвишли аҳволнинг рўй беришига сабаб нима?

Аввало шуни айтиш керакки, район агросаноат бирлашмаси назоратни бўшаштириб юборганлиги, хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларнинг масъулиятсизлиги оқибатида пландаги озуқа экиниши вақтида экилмади. «Москва» колхозида 73 гектар, «Победа» колхозида 68, «Ленинград» колхозида 58, «Октябрь» колхозида 44, Киров номли колхозда эса 41 гектар планда белгиланган беда экилмай қолди.

Бунинг устига Андижон область агросаноат комитети бу йил районда ем-хашак тайёрлаш планини асосси равишда тўрт марта ўзгартирди. Биринчи планга мувофиқ — 17 минг 159 тонна, иккинчи планда — 19 минг 229 тонна, учинчи планда — 22 минг 761 тонна, тўртинчи планга мувофиқ 20 минг 983 тонна ем-хашак тайёрланиши керак деб кўрсатилди. Савол туғилади: бу планларнинг қай бири қатъий эди?

Райондаги аксарият хўжаликларда озуқа тайёрлаш ва сарфлашнинг ҳисоб-китоб ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Район статистика бошқармаси (бошлиғи М. Содиқов) қишлов учун жамғарилган озуқа бирлигини мунтазам камайтириб кўрсатиб келган. Район партия комитети Содиқовни қаттиқ огоҳлантиргандан кейин ҳам шундай ҳол қайта такрорланганлигини нима деб изоҳлаш мумкин?

Ҳисоб-китоб ишлари тўғри юритилмаганлиги ва озуқа экинлари ҳосилдорлиги камайиб кетганлиги сабабли район озуқа жамғаришда областда охирги ўринлардан бирига тушиб қолди. 11 сентябргача 16,5 минг тонна дағал хашак тайёрланди. Бу, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кам. 7734 тонна беда пичани, 5265 тонна сомон жамғарилди. Биринчи планга кўра бу-лар юқори кўрсаткич. Тўртинчи планга нисбатан эса паст.

Шуниси ачинарлики, ем-хашак тайёрлашни жадаллаштириш тўғрисидаги партия ва ҳукумат кўрсатмалари баъзи хўжаликларда ҳали чорвадорлар онгига етиб борганича йўқ. Буни «Коммунизм», Киров номли, «Пошша беда» колхозлари мисолида яққол кўриш мумкин.

Район партия комитети бюросида «Коммунизм» колхозида озуқа жамғариш ишлари қониқарсиз ташкил этилганлиги кўрсатиб ўтилганди. Колхоз правленниеси (раиси А. Солиев) ишни яхшилаш юзасидан амалий тадбирлар кўрмаганлиги учун огоҳлантирилганди. Лекин орадан кунлар ўтиб бораяпти-ки, колхозда ҳамон қолоқлик давом этмоқда. Хўжаликда ҳар бош шартли мол ҳисобига атиги 5,1 центнер озуқа бирлиги жамғарилди. Бу, районнинг ўртача кўрсаткичидан ҳам паст. Беда ўрими вақтида ўтказилмаганлиги учун ғарамга босилган 300 тонна беда пичани иккинчи ва учинчи классга қабул қилинди. Бошоқли экиндан бўшаган 28 гектар майдонга кечикиб экилган маккажўхори вақтида суғорилмаганлиги туфайли униб чиқиши кечикди.

Колхозда шу кунларда график бўйича 300 киши ем-хашак тайёрлашда иштирок этиши керак. Амалда эса 96 киши қатнашмоқда, холос. Иш унуми қониқарсиз. Саккиз ой мобайнида ҳар бош сигирдан 830 килограмм сут олинганлигини қандай баҳолаш мумкин.

Киров номли колхоз ҳам ем-хашак тайёрлашда орқада қолаётир. Колхозда озуқа экинлари экиш плани 91,8 процент бажарилди. 158 гектар ўрнига 145 гектар озуқа экинлари экилди. Ҳосил яхши унмаганлиги сабабли 30 гектар беданоя бузиб юборилди. Беданояларда уч марта ўрим ўтказилиб, биринчи ўроқда ҳар гектар ердан 50 центнердан, иккинчи ўроқда 28 центнердан пичан олинди. Бу ҳам район кўрсаткичидан анча кам. Шунга қарамай, колхозда ем-хашак тайёрлашда 350 киши ўрнига атиги 84 киши қатнашмоқда. Сут тайёрлаш суръати қониқарсиз. Саккиз ойда ҳар бош сигирдан 991 килограмм сут олинди ёки ҳар бир соғин сигирнинг кунлик маҳсулдорлиги 5,5 килограммга тушиб қолди.

Райондаги Охунбобоев номли, «Москва», «Шарқ Юлдузи» «Ленинград», «Правда», «Октябрь 60 йиллиги» колхозларида ем-хашак тайёрлашда ишчи кучларидан фойдаланиш талаб даражасида эмас.

Район партия комитетида ем-хашак тайёрлашни жадаллаштириш юзасидан графиклар тузилган, топшириқлар берилган. Қайта-қайта текширишлар ўтказиляпти. Ҳар куни оператив маълумотлар йиғилмоқда. Бироқ бу уринишлар ва интилишларнинг самараси кўринмаётир. Минбарлардан айтилган аччиқ гаплар, берилаётган танбеҳлар А. Солиев, Қ. Собиров каби хўжалик раҳбарларига, У. Бозорбоев, А. Жўраев, Х. Усмонов сингари партия комитети секретарларига кор қилмаяпти. Очиғи, ишда қайта қуриш жадал давом этаётган бир кезда улар масъулиятни ҳанўз тўла ҳис этишмаётир. Шунинг учун ҳам район ем-хашак тайёрлашда олдинга ўтолмаяпти.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ОЗУҚА ТАЙЁРЛАШНИ ЖАДАЛЛАШТИРАЙЛИК

Юбилей-дала шийпонида

Чортоқ районидаги «Москва» колхозининг сувчилари Отавали Муллаев ва Нўъмон Меҳмоновнинг 60 йиллик юбилейи дала шийпонида нишонланди. Колхоз партия ва касаба союз ташкилотлари томонидан уюштирилган бу кечада район маданият уйининг «Чортоқ тонги» ҳамда колхознинг «Олтин қўллар» ҳаваскорлик ансамблларининг қўшиқ ва рақслари янгради.

Ш. ХОЛМИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика совет ва хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлар бошқармасининг молия, халқ хўжалиги плани ва моддий-техника таъминоти бўлими референти ўртоқ Турғунхўжа Валихўжаевич Умархўжаевни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ДАМАШҚ

ТАСС мухбири Дмитрий Зеленин хабар беради: Дамашқдаги халқаро ярмаркада Совет Иттифоқи куни зўр муваффақият билан ўтди. Кенг кўламдаги экспозиция томошабинларни саноат ва қишлоқ хўжалиги, илм-фан, техника ва медицинанинг турли соҳаларида СССР эришган энг янги ютуқлар билан таништиради.

Ер атрофи фазосини ўзлаштиришда СССР эришган ютуқлар тўғрисида ҳикоя қилувчи космосга оид бўлим биз, сурияликларда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда, — дейди Дамашқ университетининг ўқитувчиси Басам Хаж Ҳусайн.— Тез орада суриялик космонавтлар Совет — Сурия интернационал экипажи составида космосга чиқишлари керак. Бу воқеани бутун мамлакатимиз кутмоқда. Биз беғараз ёрдам ва кўмак учун Совет Иттифоқидан миннатдормиз, совет халқи билан дўстликни юксак қадрлаймиз ва чин қалбдан унга муваффақиятлар тилаймиз.

● НЬЮ-ЙОРК.

Франция БМТнинг Ливандаги муваққат кучлари аҳволи хусусидаги масалани муҳокама қилиш учун шошилинч тарзда БМТнинг хавфсизлик кенгашини чақиришни талаб этди. Исроил оккупациячи қўшинлари ҳамда қўғирчоқ «Жанубий Ливан армияси»нинг бетўхтов ғиғвогарликларига учраётган француз бўлинмалари кучларининг, уч ҳарбий хизматчиси 4 сентябрь куни ўлдирилганидан кейин ана шу талаб ўртага қўйилди. БМТ Бош секретарининг вакили ана шу хатти-ҳаракат муносабати билан Перес де Куэльяр «қаҳр-ғазаб изҳор қилганини» айтди. Вакил яна Ливанга БМТ миссияси жўнатилаётганини ва бу миссиянинг мақсади БМТ кучларига ўз ҳақ-ҳуқуқларини хавфсизлик шароитларида амалга оширишга имкон берадиган тадбирларни ўрганиш эканлигини ҳам хабар қилди.

● ТОКИО

Американинг «Стратегик мудофаа ташаббуси» термоядро уруши чиқиб кетиш хавфини анча оширади ва инсоният цивилизациясининг йўқ қилиб юбориш хавфини солади. Манфур «самовий урушлар» программасининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш олимларнинг бурчидир. Японияннинг 20 университети ва беш тадқиқот марказида ишлаётган 447 физик имзо чеккан баёнотда ана шу ҳақда гапирилади.

(ТАСС).

● АФИНА

«Йўқолсин Америка флоти!» — Родос аҳолиси Грециядаги ҳарбий ва ҳарбий-денгиз кучлари ва саноат ишлаб чиқариши ҳажми ўсмоқда. Социал проблемалар муваффақият билан ҳал этилмоқда, афғон армияси жиддий куч бўлиб қолди. Иккинчи томондан, аксилинқилоб кучлари тушкунликка учраган, тарқоқ. Аҳоли уларни қўллаб-қувватламаяпти. Вазият кун сайин афғон революцияси фойдасига ўзгармоқда, шу боисдан ҳам бу — СССР раҳбарлигига 1986 йилнинг охиригача қадар олти совет полкини ўз ватанига қайтариш тўғрисида қарор қабул қилишга имкон берди. Бугун Британия парламенти биносида «Афғонистон дўстлари» жамияти уюштирган матбуот конференциясида ана шу ҳақда гапирилди. Яқинда АДРга қилган сафаридан қайтиб келган парламент аъзоси — лейборист Гарри Коэн СССРнинг Афғонистонга кўрсатаётган ёрдами муҳимлигини, бу мамлакатлар ўртасида қадимдан дўстлик муносабатлари ўрнатилганлигини таъкидлади.

(ТАСС).

«АФҒОНИСТОН ДЎСТЛАРИ» ЖАМИЯТИ МАМЛАКАТДАГИ ВАЗИЯТ ХУСУСИДА

ЛОНДОН. Афғонистондаги вазият нормаллашиб бормоқда: экономика ривожланмоқда, қишлоқ хўжалик ва саноат ишлаб чиқариши ҳажми ўсмоқда. Социал проблемалар муваффақият билан ҳал этилмоқда, афғон армияси жиддий куч бўлиб қолди. Иккинчи томондан, аксилинқилоб кучлари тушкунликка учраган, тарқоқ. Аҳоли уларни қўллаб-қувватламаяпти. Вазият кун сайин афғон революцияси фойдасига ўзгармоқда, шу боисдан ҳам бу — СССР раҳбарлигига 1986 йилнинг охиригача қадар олти совет полкини ўз ватанига қайтариш тўғрисида қарор қабул қилишга имкон берди. Бугун Британия парламенти биносида «Афғонистон дўстлари» жамияти уюштирган матбуот конференциясида ана шу ҳақда гапирилди. Яқинда АДРга қилган сафаридан қайтиб келган парламент аъзоси — лейборист Гарри Коэн СССРнинг Афғонистонга кўрсатаётган ёрдами муҳимлигини, бу мамлакатлар ўртасида қадимдан дўстлик муносабатлари ўрнатилганлигини таъкидлади.

(ТАСС).

К. Маркс ва Ф. Энгельс меросидан янги материаллар

БОННН. ТАСС мухбири Владимир Смелов хабар беради: Трир шаҳридаги Карл Маркс уй-музейи ходимларининг коллективи Карл Маркс ва Фридрих Энгельс асарларидан 1840—1874 йилларга тааллуқли илгари номаълум материаллар тўпламини тайёрлади ва шу шаҳарда босмадан чиқарди.

Тўпламга, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда уни тузувчилардан бири Ганс Пельгер, шарҳлар билан таъминланган 53 асар кирган бўлиб, уларнинг кўпи биринчи марта эълон қилинмоқда. Булар орасида Ф. Энгельснинг ўша замондаги газеталардан олинган бир қанча мақолалари, К. Марксннинг хатлари бор. Ана шу мақолалар ва хатлар атоқли мутафаккирларнинг шахсий муносабатларидаги янги тафсилотларни билиб олишга имкон беради. Трир нашри, деди у, илмий социализм асосчиларининг бой меросини янада чуқур ўрганиш ишига ҳисса қўшмоғи керак.

Тўпламни тузаятганимизда, — деб давом қилди Г. Пельгер, — коллективимиз КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтидан амалий ёрдам олиб турди. Шу илмий муассаса билан кўпдан бери қалин алоқада бўлиб, самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз, деб таъкидлади у.

ТИНЧЛИК ТАШАББУСЛАРИ МАЪҚУЛЛАНМОҚДА

МУҲИМ ОМИЛ

● БРАТИСЛАВА.

Совет раҳбарларининг ядро портлатишларини бир томонлама тартибда тўхтатиб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарори яхши ният белгиси бўлибгина қолмай, шу билан бирга ҳозирги замоннинг энг муҳим проблемасини ҳал этишга—аста-секин ядровий қуролсизланишга ёндашувда тарихий бурилиш қилиш соҳасида қудратли омилдир, деб ёзади Братиславанинг «Правда» газетаси. СССР ядровий синовларни қайта бошлаши учун жуда кўп сабаблар бор эди, бироқ у планета халқларининг энг муҳим манфаатларини ҳисобга олиб, инсоният тақдири учун ўз масъулиятини англаган ҳолда, халқаро вазиятда туб бурилишга эришишга интилиб, ядро портлатишларини бир томонлама тўхтатиб туриш муддатини узайтирди, деб таъкидлайди газета.

РЕАЛ ҚАДАМ

● ПНОМПЕНЬ

СССРнинг янги ташаббуси, деди Кампучия Тинчликни ҳимоя қилиш комитетининг раиси, КХР соғлиқни сақлаш министри Йит Ким Сенг ТАСС мухбири билан суҳбатда, ядро уруши хавфининг олдини олиш, халқаро кескинликни юмшатиш ишидаги реал қадамдир. Совет Иттифоқи ўзининг ташқи сиёсат соҳасидаги йўли ўзгармаслигини яна бир бор тасдиқлади.

ИШОНЧ ИФОДАСИ

● РИМ

Италиядаги энг оммавий жамоат ташкилоти — «Италия—СССР» жамиятининг бош секретари Винченцо Корги ТАСС мухбири билан суҳбатда шундай деди: Совет раҳбари М. С. Горбачевнинг Совет Иттифоқи бир томонлама тартибда ядро синовларини тўхтатиб туриш муддатини узайтиришга қарор қилганлиги тўғрисидаги Баёноти сиёсий жиҳатдан ғоят муҳим ташаббус бўлиб, у СССРнинг тинчликка бўлган муддаосини, унинг Ғарб билан мулоқот бошлашга розилигини тўла даражада акс эттиради.

Айни вақтда совет раҳбари ана шу таклифининг дадиллиги ва ошкоралиги ҳозирги халқаро муносабатлар тарихида олий даражадаги ахлоқодоб, инсон ақл-заковати кучига ва ғалабасига ишонч ифодаси, деб баҳоланмоқда.

СОВЕТ ТАШҚИ СИЕСАТИ НЕГИЗИ

● ЛОНДОН. СССРнинг ядро портлатишларини бир томонлама тартибда тўхтатиб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарори қуролланиш пойгасига чек қўйиш муддаоси — Совет ташқи сиёсатининг негизи эканлигини яқол кўрсатиб турибди, деди Буюк Британия ўт ўчирувчилар касаба союзининг Бош секретари Кен Камерон «Морнинг стар» газетаси мухбири билан суҳбатда. Совет Иттифоқи бу билан барча ядро синовларини тўла тақиқлаш тўғрисида кенг қамровли битимга эришиш йўлини очиб бериш вазифасини қўймоқда. АҚШ президенти Р. Рэйган ва Буюк Британия Бош министри М. Тэтчер СССРнинг бу таклифига ижобий жавоб қайтаришдан бош тортиб, инсониятнинг планетани ядровий қуроллардан халос этиш тўғрисидаги орзу-ниятининг рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилмоқдалар.

УРУШГА ЙЎЛ ҚЎИМАЙЛИК

● МОНТЕВИДЕО

Биз, Лотин америкаликлар, жаҳон уруши даҳшатларини ҳеч қачон бошимиздан кечирмаганмиз, деди «Интерланеора» фабрикасининг ишчиси Мануэль Медина. Бироқ биз ядро уруши чиққудек бўлса, бу уруш истисносиз барча мамлакатлар ва халқларни ўз гирдобига тортишини яхши англаймиз. Шунинг учун биз Совет Иттифоқининг урушга йўл қўймаслик соҳасидаги куч-ғайратларини ва жумладан, ядро портлатишларини бир томонлама тартибда тўхтатиб туриш муддатини яна узайтириш тўғрисидаги қарорини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз.

(ТАСС).

СЎЗ — ЧЕТ ЭЛЛИК МЕҲМОНЛАРГА

СОВЕТ КИШИЛАРИГА ИШОНИШ КЕРАК

— Бир йил муқаддам совет кишиларига ишониш керакми? — деган саволга кўп америкаликлар рад жавобини берган бўлардилар, — деди ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда Америка — Совет дўстлиги миллий комитетининг аъзоси, ана шу комитетнинг Висконсин штатидаги Милуоки шаҳри бўлимининг раиси Норман Адельман. Ў СССР бўйлаб сафар қилмоқда, Самарқанднинг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

— Лекин шу давр ичида кўп нарса ўзгарди. М. С. Горбачевнинг ядро қуролларини қўпайтирмаслик тўғрисидаги таклифи менинг ҳамюртларим қалбини тобора кўпроқ ром этмоқда.

Янги совет тинчлик ташаббуслари американликлар онгига жуда секин етиб бормоқда. Бунда кўп йиллардан буён советларга қарши пропаганда олиб бораётган, кишиларда сизнинг мамлакатингиз сиёсатига шубҳа билан қарашни тарбиялаётган Америка матбуоти айбдордир.

Мен ўз ташаббусим билан СССР бўйлаб сафар қиляпман. Мана шу сафарим олдидан Харрис институти жамоатчилик фикрини сўраб билиши ҳақидаги маълумотлардан хабар топдим: эндиликда АҚШ аҳолисининг етмиш процента ядро портлатишларини тўхтатиш ғоясини қўллаб-қувватламоқда. Яқин орада бу рақам тўқсон тўққизга чиқади, деб ўйлайман.

Америка тинчлик тарафдорлари жамоатчилик фикрини шакллантиришга тобора кўпроқ таъсир ўтказмоқдалар. Раҳбарлари жамоатчилик асосларида иш олиб бораётган бизнинг ташкилотимиз хавфли қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун кўп иш қилмоқда. Милуокида бўлиб ўтган сўнгги митингларидан бирида нотиқларнинг кўпчилиги ядро қуролларини кўпайтирмаслик зарурлигини қатъий ёқлаб чиқдилар. Лекин ҳарбий бизнес намояндалари американликларни нималар ташвишга солаётганлиги билан ишлари йўқ. Улар ҳарбий қурол-яроғларни сотишдан мумкин қадар кўпроқ фойда олиш тўғрисида бош қотирмоқдалар. Уларни ҳарбий тайёргарлик сўқмоқларидан буриб юбориш осон эмас. Аммо АҚШ маъмурияти кўпчилик американликларнинг ўй-фикрларига қулоқ солишига тўғри келади.

Мамлакатларимиз халқлари ўртасида муштарак жиҳатлар кўп. Тинчлик ғояси тантана қилиши учун Совет ва Америка халқлари ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш керак.

«НАМАНГАН ГУЛЛАРИ» ФРИБУРГДА

ЖЕНЕВА. ТАСС мухбири Евгений Коржев хабар беради: Фрибургда ўтаётган XII Халқаро фольклор фестивали қатнашчиларининг концертларида ўн минглаб швейцарияликлар ва чет эллик сайёҳлар бўлдилар. Қадимий шаҳарнинг хушманзара кўчаларида қурилган бир неча эстрада ва концерт залларида жаҳоннинг тўққиз мамлакатидан, шу жумладан Болгария, Испания, Эфиопия ва Совет Иттифоқидан борган артистлар миллий халқ санъатини намойиш этдилар.

— Совет ташкилотларига таклифнома юборганимизда туб халқ ансамблини юборишларини атайлаб сўрадик, — деди ТАСС мухбири билан суҳбатда фестивалнинг пресс-атташеси Франсуаз Морван. — Бизга Ўзбекистондан «Наманган гуллари» боришини айтишди ва у кутганларимизни тамомила оқлади. Томошабинлар ва ташкилотчилар ўзбек меҳмонларимизнинг ёркин ва оригинал қўшиқларига, музикаси ва рақсларига қойил қолишди.

Ансамбль Фрибург фестивали вақтида кўп марта концертлар берди ва бу концертлар ҳамиша олқишларга сазовор бўлди.

ШУ КУННИНГ МАВЗУИДА

ЛИВИЯГА ПЎПИСА ҚИЛИНМОҚДА

Ўрта Ер денгизида ва Миср Араб Республикаси ҳаво бўшлиғида ҳамкорликдаги Америка — Миср ҳарбий машқлари ўтказилди. Унда АҚШ ва Миср ҳарбий-денгиз кучлари кемалари, шунингдек, «Форрестол» авианосеци, Америка авиацияси ва денгиз кучлари ҳамда Миср Араб республикаси ҳаво ҳужумидан мудофа кучлари қатнашди. Бу ўқув машқлари ҳақида олдиндан ҳабар қилинмаган эди. Бу машқлар Америка маъмуриятининг Ливия Жамаҳириясига қарши агрессив ҳаракатларидан кейин ўтказилганлиги ҳам диққатни тортади. Вице президент Ж. Буш айтганидек, бу ҳаракат Вашингтоннинг араблар ҳуқуқларига душманларча муносабатини тасдиқламоқда. Энди АҚШ Ўрта Ер денгизида ўз кучларини намоён қилиб, даҒдара қилмоқда.

Ҳамкорликдаги Америка — Миср ҳарбий-денгиз кучлари машқлари АҚШнинг 6-флоти ёрдамида Ливияга ҳужум хавфини янада кучайтиради. Бу фикр Оқ уй вакили Л. Спикснинг баёнотида ҳам айтиб ўтилди.

Америка Қўшма Штатлари бу мамлакатни чўчитиб қўйиш мақсадида янги кампанияни авж олдириб юборди. Шу билан бир пайтда Ливияга қарши қўшимча хуруж олиб боришда АҚШ Европадаги иттифоқчилари мададига ҳам таянишга интилмоқда. Мана шу мақсадда АҚШнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили В. Уолтерс шу кунларда Ғарбий Европанинг бир қатор мамлакатларига сафар қилмоқда. Жумладан, Лондонда чиқадиган «Таймс» газетаси В. Уолтерснинг Мадридда бўлиши ҳақида хабар қилиб, «Рейган маъмуриятн НАТОдаги иттифоқчилари Ливияга қарши янги иқтисодий жазо чораларини қўллаб-қувватлашларига эришишга ҳаракат қилмоқда» деб ёзади. Шу Ўринда Рейган кейинги беш йил ичида В. Уолтерсдан ўзининг бир қатор махфий операцияларини амалга оширишда фойдаланганлигини айтиб ўтиш ўринли. Жумладан, Уолтерс Ливияга қарши апрель ойидаги агрессияда Маргарет Тэтчердан Англиядаги базалардан фойдаланиш учун рухсат олишда катта роль ўйнаган эди.

Мутахассисларнинг фикрича, агар Ливияга янги ҳарбий хуруж қилинса, АҚШ ўзининг «Томагавк» қанотли ракеталаридан ҳам фойдаланиши мумкин. Ливияга қарши апрель ойидаги бандитларча ҳужумдан кейиноқ Пентагон Ўрта Ер денгизи жанубий ва шарқий соҳилининг махсус муфассал харитасини тайёрлашга киришган эди. Бу хариталар эса қанотли ракеталардан фойдаланишда қўлланилади.

Яқинда Ливия революциясининг раҳбари Муамар Каддафи Ливия пойтахтининг марказий яшил майдонида Сентябрь революциясининг ўн етти йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган оммавий митингда қуйидагиларни айтди: «АҚШнинг шу йил апрель ойида Ливияга бандитларча ҳужуми Ливия халқининг революция ғалабаларини ҳимоя қилишга бўлган азму қарорини кучайтирди, холос. Биз ўз принципларимизга содиқ бўлиб қолдик ва аввалгидек, араб бирлигига эришиш учун, Фаластин проблемасини адолатли ҳал қилиш учун ҳаракат қилмоқдамиз, озодлик ва мустақиллик учун кураш олиб бормоқдамиз. Башарти, агрессорлар еримизга бостириб киргудек бўлса, биз рҳиригача кураш олиб борамиз».

Ўрта Ер денгизида ҳарбий кучларнинг тўпланиши бошқа мамлакатлар мустақиллиги ва суверинететига тўғридан-тўғри таҳдид солмоқда. Шу боис Совет Иттифоқининг Ўрта Ер денгизини тинч зонага айлантириш ва у ердан барча ҳарбий флотларни олиб чиқиш ҳақидаги таклифи бугун яна ҳам муҳим аҳамият касб этаётир. Совет Иттифоқининг амалий ташаббуслари Ўрта Ер денгизи ҳавзаси халқлари ва давлатлари манфаатларига тўла мос келади. Бу ташаббусларнинг амалга оширилиши агрессия кучларининг айби билан ҳар қандай дақиқада ёниб кетиши ва катта портлашга олиб келиши мумкин бўлган пилтани бутунлай йўқотиш имконини берган бўлур эди.

Ш. ИСРОИЛОВ.

РЕДАКЦИЯДАН: Газета саҳифаланаётганда Уолтерснинг махсус сафари ҳақида янги маълумотлар келди.

● БОННН. (ТАСС). Бу ерга келган БМТ ҳузуридаги АҚШнинг доимий вакили Вернон Уолтерс Вашингтоннинг мустақил Ливияга қарши ғиғвогарона хатти-ҳаракатларини ГФР қўллаб-қувватлашига эриша олмади. Оқ уй вакилининг тазйиқига қарамай, АҚШнинг бошқа иттифоқчилари қатори Бонн ҳукумати ҳам Ливияга нисбатан янги жазо чоралари жорий этилиши учун ҳеч қандай асос топмади. Матбуотнинг таъкидлаб ёзишича, федерал канцлер маҳкамаси қўлида ҳам, ГФР ташқи ишлар министрлиги қўлида ҳам, АҚШ ўз шериклларини Ливия гўё террористик хатти-ҳаракатларни режалаштиряпти, деб ишонтиришга зўр бериб уринаётганлигига қарамай, ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Бундестагдаги «Кўкатпарварлар» партиясининг фракцияси Уолтерснинг миссиясини кескин танқид қилди. Бу ерда тарқатилган баёнотда АҚШ Ливияга қарши янги агрессияга очиқдан-очиқ тайёргарлик кўраётганлиги уқтирилади. «Терроризмга қарши кураш» баҳонаси билан Рейган маъмурияти Ўрта Ер денгизи районида ҳукмронлик ўрнатишга интилмоқда, дейилади ҳужжатда.

АНСАМБЛЬ МУВАФФАҚИЯТИ

НЬЮ-ЙОРК. ТАСС мухбири Игорь Макурин хабар беради: СССР халқ артисти И. А. Монсеев раҳбарлигидаги СССР Давлат халқ рақс ансамбли концерт бераётганида «Метрополитэн опера» залида гулдурос қарсакларнинг кети узилмади. Американлик санъат шинавандалари завқ-шавқ билан кутиб олган совет артистлари ёшлик, шоду-хандонлик уйғунлашган етук маҳорат, дид ва нафосат пайванд бўлиб кетган ниҳоятда нозик ижрочилик техникасини намойиш этдилар. Нью-Йоркда яшайдиган Синтия Хабер монсеевчилар концертини «қойил қолдирадиган рақс байрами» деб атади. Ансамбль концерти қолдирган таассуротни сўз билан ифодалашим қийин, деди у ТАСС мухбири билан суҳбатда.

«Ана шу ажойиб ансамблнинг гастроллари КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев ва президент Р. Рейганнинг Женевадаги олий даражадаги учрашуви натижасида эришилган аҳднома туфайли ўтказилмоқда, — деди ТАСС мухбири билан суҳбатда халқаро ҳамкорлик билан шуғулланувчи «Коламбиа артистс менежмент» компаниясининг раҳбарларидан бири Альберт Хатниг. — Бу аҳднома алоқаларни ривожлантиришга интилишимизни, бир-биримиз ҳақимизда кўпроқ билиш истагини, бизнинг икки мамлакатимиз аҳолиси жуда кенг қатламларининг ҳамжиҳатлиги ўсишига кўмаклашишини акс эттиради. Премьера вақтида кўздан ёш оқизувчи бомба ташлаган террорчиларнинг асл мақсади Совет — Америка муносабатларининг яхшиланишига йўл қўймасликдан иборат эди. Мен ана шу террорчилик хатти-ҳаракати бизнинг мамлакатларимиздаги барча ақли расо кишиларгагина қарши қаратилиб қолмасдан, балки Ер юзидаги барча кишиларга, халқаро вазиятни барқарорлаштириш тарафдорларига қарши қаратилганлигини таъкидламоқчиман.

Мен совет артистларининг концертидан завқу-шавққа тўлиб чиқдим, деди Эн-Би-Си телекомпанияси мухбири билан суҳбатда Бродвейдаги балет студияларидан бирининг раҳбари Шател Соломон хоним. Бир халқни уқиб, унинг феълу-атворини билиб олишга санъатдан бошқа ҳеч нарса бундай катта ёрдам бера олмайди. Маданий алоқалар АҚШ билан Совет Иттифоқи ўртасидаги икки томонлама муносабатлардаги шубҳаларни йўқотишга ва кескинликни сусайтиришга ёрдам беришига аминман. Бу эса ҳаммага баб-баравар фойдалидир.

САМОЛЁТГА ТАЖОВУЗ ҚИЛИНДИ

ЛОНДОН. Покистоннинг энг йирик шаҳри — Карочи аэропортида «Пан-Америкэн» Америка компаниясига қарашли «Боинг-747» самолётини бир гуруҳ қуролланган кишилар эгаллаб олдилар. Бу самолёт Бомбей— Карочи— Франкфурт — Нью-Йорк маршрути бўйича парвоз қилаётган эди. Рейтер агентлигининг хабар қилишича самолёт учиши олдидан хавфсизлик хизмати ходимлари кийимидаги тўрт номаълум шахс самолётга бостириб кирган.

«Боинг» ичида 300 дан кўпроқ йўловчи бор. Самолёт учувчилари ва штурман ҳужум вақтида учувчи кабинасидаги дераза орқали самолётдан чиқиб кетишга муваффақ бўлдилар. Самолёт қароқчилари уларни Кипрга олиб бориб қўйишни талаб этмоқдалар.

Никосиядан келаётган хабарларга қараганда, телефон орқали ахборот агентликларидан бирининг бюросига қўнғироқ қилган номаълум киши бу ҳужумни ўзини «Ливия революцион ячейкаси» деб атаётган қандайдир бир ташкилот уюштирганини айтди. Кейинчалик маълум бўлишича, бу хатти-ҳаракат учун жавобгарликни Ливандаги террорчи гуруҳлардан бири ҳам ўз зиммасига олган.

Ливиянинг ЖАНА ахборот агентлиги Ливия Карочида самолёт қароқчилигига қандайдир алоқадор деган хабарларни қатъиян рад этди.

(ТАСС).

КОБУЛ

ДУШМАН ҚУРОЛЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

КОБУЛ. «Ер-ер» ракеталари, миномётлар, йирик калибрли пулеметлар, зенит қурилмалари, милтиқлар ва автоматлар, портлатиш қурилмалари, миномётлар ҳамда тўпларнинг миналари ва снарядлари — бу ерда очилган кўргазмада аксилинқилобчилар Демократик Афғонистонга қарши эълон қилинмаган урушда фойдаланаётган қуроллар кўрсатилмоқда. Бу қуроллар ва ўқ-дорилар давлат хавфсизлиги кучлари билан халқ милицияси — Царандой Кобул вилоятининг уъездларидан бирида босмачи гуруҳларни тор-мор келтирганларида қўлга туширилган.

Душманлар ишлатаётган ва Америка, Англия, Германияда ишлаб чиқарилган химиявий қуроллар кўргазманинг каттагина қисмини эгаллаб турибди. Афғонистон ва жаҳон жамоатчилиги босмачилар шу химиявий қуролдан фойдаланганлиги хусусида дарғазаб бўлганлиги ўринлидир. Кобул хотин-қизлар лицейида юз берган фожиани эслаш кифоя. Ўшанда душманлар заҳар солган сувни ичган 14 қиз нобуд бўлганди. 1984 йил Нангархар афғон армиясининг бўлинмаларига қарши ваҳшиёна химикатлар ишга солинди.

Кўргазма экспонатлари, собиқ душманларнинг айтганлари — АДРга қарши қабиҳ уруш босмачилар четдан, аввало, АҚШ томонидан муттасил қўллаб-қувватланаётганлиги ҳуфайли бўлаётганлигидан далолат беради.

Кўргазмани келиб кўрган АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари Нажиб афғон жангчиларининг қаҳрамонликлари ва жасоратларига, АДРдаги Совет қўшинлари чекланган контингенти солдат ва офицерларининг интернационал ёрдамига юксак баҳо берди.

(ТАСС).

ЭКОНОМИКА ТАНАЗЗУЛИ

● ВАШИНГТОН

Қуролланиш пойгасига ақл бовар қилмайдиган харажатлар сарфланаётганлиги АҚШ экономикасининг навбатдаги таназзулига сабаб бўлмоқда. Савдо министрлиги, гўё далда бергандек, сўнгги бир неча ой мобайнида камайиб кетган саноат буюртмалари ҳажми июль ойида 2,2 процент ошганини хабар қилган эди. Кўпгина шарҳловчилар савдо министрлигининг бу хабарини ҳали айтганимиздек навбатдаги таназзул деб баҳоладилар. Июль ойидаги ўсишнинг сабаби саноатдаги ҳаволнинг яхшиланишидан эмас, аксинча ҳарбий ишлаб чиқаришга ноишлаб чиқариш капитал маблағларинр галдаги қўшилиши кескин даражада кўпайиб кетганлигидандир.

(ТАСС).

ЧИЛИ

Чилида халқ намойиши бутун мамлакат бўйлаб, айниқса, Сантьяго ва унинг марказий районларида авж олаётир. Ҳамма ерда тиш-тирноғигача қуролланган солдатлар ва карабинерларнинг кучайтирилган отрядларини учратиш мумкин. Бироқ норозилик намойиши қатнашчиларини дўқ-пўписалар, жисмоний жазолашлар, ҳибсга олишлар сира ҳам чўчитаётгани йўқ.

СУРАТДА: диктаторлик режимига қарши Сантьяго шаҳрида ўтказилган намойиш қатнашчилари ҳибсга олинаётган пайт.

Пресса-ЛАТИНА — ТАСС телефотоси.

ҚУЁШ АВТОМАШИНАЛАРИ МУСОБАҚАСИ

Қуёш энергиясини истеъмол қилувчи автомашиналар ўртасида ралли мусобақалари илгари ўтказилмаган эди. Швейцария йўллари бўйлаб одатдан ташқари автопойга ташкилотчилари турли кўринишдаги «қуёш» автомобилларининг «юриш» хусусиятларини таққослаб кўриш вақти етди, деган қарорга келишди. Ралли натижалари қутилганидан ҳам ҳайратли бўлди. Аввало шуни айтиш керакки, пойгада Швейцария, ГФР, Франция, АҚШ ва Австриянинг атроф-муҳитни ифлослантирмайдиган 90 та шовқинсиз машинаси қатнашди. Финишга биринчи бўлиб швейцариялик студентлар яратган машина етиб келди. Бўлғуси инженерлар 8 соат ичида 383 километр йўл босиб ўтдилар. Унинг энг катта тезлиги соатига 100 километрни, ўртача тезлиги эса 49 километрни ташкил этди.

Машинанинг ташқи кўринишн самолётга ўхшайди. Студентлар қуёш батареяларини жойлаштирган иккита қанотсимон панел унга шундай қиёфа бахш этган. Мавжуд учта ғилдираги эса унинг самолётга ўхшаш жиҳатларини янада кучайтирган.

Пойга ташкилотчилари автоҳаваскорларнинг истагини қўллаб-қувватлаган ҳолда «қуёш» автомобиллари билан бирга педаль ёрдамида бошқариладиган машиналарнинг ҳам мусобақада қатнашишига рухсат этишди. Чунки бундай машиналар ҳам шовқинсиз бўлиб, атроф-муҳитга ҳеч қандай зиён етказмайди.

(АПН).

● ҲОДИСА

КАЛИФОРНИЯДА АВИАЦИЯ ФАЛОКАТИ

САН-ФРАНЦИСКО. Ўтган якшанба куни Лос-Анжелес шаҳри яқинидаги Серритос деган жойда (Калифорния штати) юз берган йирик авиация фалокати натижасида 72 киши ҳалок бўлди.

Мексиканинг «Аэро-Мехико» ҳукумат компаниясига қарашли, ичида 58 пассажир ва 6 экипаж аъзоси бўлган ДС—9 авиалайнери Мехикодан учиб келаётиб, Лос-Анжелес халқаро аэропортига яқинлашганда ҳавода ичида уч киши бўлган бир моторли хусусий самолётга тўқнашиб кетди. Тўқнашув натижасида кучли портлаш юз берди. Самолётнинг ёнаётган парчалари ва ўт олган авиация ёнилғиси уйжой кварталларига тушди. 16 та уйда ёнғин чиқди. Кўп сонли ўт ўчирувчиларнинг ҳаракатларига қарамай, 9 та уй бутунлай ёниб кетди. Дастлабки маълумотларга қараганда, ана шу уйларда яшовчи кишилардан камида 5 киши куйиб кетди, 10 киши оғир аҳволда касалхонага келтирилди.

«Нью-Йорк таймс» газетасининг ёзишича, «Аэро—Мехико» компанияси самолётининг фалокатга учраши АҚШда авиация диспетчерлари айби билан юз берган кўплаб аварияларни эслатади. Матбуотнинг тан олишича, ўтган йил авиация фалокати сони жиҳатидан АҚШ учун «рекорд» йил бўлди. Учиш хавфсизлиги шу қадар пасайиб кетдики, АҚШ конгресси сенатидаги демократик озчилик раҳбари Роберт Бэрд АҚШ авиация транспортидаги ишнинг аҳволини текшириш учун мустақил комиссия тузишга чақирди.

Учиш чоғида хавфли ҳоллар ортганлиги сабабларидан бири сифатида Р. Бэрд малакали авиация диспетчерлари 1981 йилдаги 13 минг 200 та кишидан ҳозирги вақтда 8860 кишига камайганлигини айтди. Президент Рейган бундан беш йил муқаддам авиация линиялари диспетчерлари касаба союзини тарқатиб юборганди. Бунинг натижасида касаба союзининг забастовкада иштирок этган 11 мингдан ортиқ аъзоси ишсиз қолганидан кейин учишни бошқариш хизматида танг вазият вужудга келди. Уларда ҳозир тажрибасиз ёки ҳаддан ортиқ кўп иш бажараётган мутахассислар ишламоқдалар. Ҳозирга қадар тўрт мингдан зиёд диспетчер ўрнига малакали кишилар топилган эмас. Бунинг оқибатида ўтган йилнинг ўзидагина 536 киши ҳалок бўлди.

(ТАСС).

УСТОЗ

Бир куни эрталаб телефон жиринглаб қолди. Трубкани кўтарсам, устоз Тамарахонимнинг овози:

— Бернора, кеча спектаклингни кўрдим. Баъзи фикрларим бор эди, меҳмонлар билан овора бўлиб театрда айтолмадим. Бугун кўришсак, ўша мулоҳазаларимни айтсам, жонгинам.

— Ҳозир ҳузурингизга борайми, опа, — дедим.

— Йўқ, овора бўлма. Бунақа нарсани саҳнада гаплашса ярашади. Тахминан соат ўн иккиларда театрда бўлиб турсанг, ўзим бораман.

Айтилган вақтда устозни кутиб олдим. У киши янги балетдан мамнун бўлганлигини, ижрочилар сафига ёшлар ҳам жалб этилганини алоҳида таъкидлади. Сўнг менинг ижром ҳақида ўз кузатмаларини, нималарга кўпроқ эътибор қилиш кераклигини гапириб берди. Кейинги йилларда совет балет санъатида ёрқин кўзга ташланаётган янгиликлардан кўпроқ фойдаланиш лозимлигини уқтирди.

Ўрнидан тураётиб, «энди Қундузхоннинг олдига ўтаман, баъзи қизларининг ўйинларида нафосат камайиб қоляпти», деди.

Мен бугун «Таҳлил ва огоҳлантириш куни экан-да» деб ҳазиллашдим. У киши «Баҳор» ҳузурига жўнаб кетди. Орқасидан ҳавас билан, фахр билан қараб қолдим...

Ҳа, Тамарахоним ана шундай жонкуяр, бугунги кунда ҳам, кексалигига қарамай, тиниб-тинчимайдиган устоз. Вокал ва хореография санъатимизнинг янгиликларини мунтазам кўриб, кузатиб боради. Узоқ йиллардан бери ижро этиб келинаётган машқур асарларнинг янгича талқинини назардан ўтказади. Бадиий советлар кенгашларида, ижодий муҳокамаларда актив иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашади. Тажрибаларини, хоҳ у таниқли профессионал коллектив бўлсин, хоҳ у ҳаваскорлик ансамбли бўлсин, бирдай улашади. Композитор ва балетмейстерларнинг ишларини эринмай таҳлил қилади. Шу боисдан маданият аҳли ўртасида «Тамарахоним таълими», «Тамарахоним тажрибаси», «Тамарахоним таклифи», деган ёқимли сўзлар тез-тез эшитилиб туради.

Ҳозирги кунда вокал ва хореография санъатимизнинг ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётган хонандалар ва рақоса лар устознинг «Лолахон», «Билагузук», «Ойижон», «Фабриканинг йўлида», «Гулёр», «Яллама ёрим», «Омонёр», «Эрта билан» деган машҳур қўшиқларини, «Қариново», «Дилхирож», «Лазги», «Мавригн», «Фарғонача», «Бухороча» рақсларини ҳавас билан ўрганиб шаклланган, камол топган, десак хато қилмаган бўламиз. Тамарахоним лапар ижрочилигида жуда моҳир санъаткор. У халқимизнинг йиллар оша, асрлар оша яшаб келаётган ажойиб лапарларини дунёнинг турли бурчакларида ижро этди ва олқиш-эътирофга сазовор бўлди. Унинг ижрочилиги ўзига хослиги, қувноқлиги, юморга бойлиги, энг муҳими, халқчиллиги билан барчани бирдай ҳайратга солган.

Унинг «Жаҳон халқлари рақслари ва қўшиқлари» деган репертуарининг доврўғини кўп йиллар билади. Мана шу асарлар бутун совет вокал ва хореография санъатига таъсир қилди, деган санъатшунослар ҳақ гапни айтишган. Устоз ижросидаги ҳиндча «Шамол», «Нилуфар», туркча «Гулизор», мўғулча «Янги ой», арабча «Хумор кўзлар», японча «Бандай тоғи», афғонча «Ширинзабон» қўшиқлари ва рақслари Деҳли, Анқара, Улан-Батор, Қоҳира, Токио, Кобул шаҳарларида намойиш этилганида, қуйланганида бирдай олқиш-эътирофга сазовор бўлинганини ҳамма билади. Биз ижодий сафарлар ва гастроллар пайтида ўша мамлакатлар халқларидан, томошабинларидан Тамарахоним ҳақида ҳавас қилса ариза-гулик илиқ сўзлар эшитганмиз. Эзгу ниятли ҳорижлик дўстларимиз «Тамарахоним яна келармикинлар, концертларини соғиндик», дейишади. Бундай обрў-эътибордан, ютуқдан, довруғдан фахрланмай бўладими?!

Биз устозни ҳеч қачон кексайдим, чарчадим деб ижоддан, бадиий маданият аҳли даврасидан узоқлашганини кўрганимиз йўқ. У кишида ҳамон ўша ўттизинчи, қирқинчи, эллигинчи йиллардаги активлик, жонкуярлик, фидойилик, изланувчанлик! Шогирдларининг ютуғи — у кишининг ютуғи. Санъатимиз режалари — устознинг режалари. Шу боисдан миллий маданиятимизда сўнгги йилларда эришилган зафарларда ҳам устоз Тамарахонимнинг ҳиссаси катта деб баралла айтамиз.

СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Тамарахоним бадиий маданиятимизнинг равнақига ҳали кўп ҳисса қўшади. Биз у кишига мустаҳкам соғлиқ тилаймиз. Қутлуғ тўйингиз муборак бўлсин, устоз!

Бернора ҚОРИЕВА,
СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати.

СУРАТДА: Тамарахоним (ўнгда) СССР халқ артисти Ойнмхон Шомуротова билан.

С. Маҳкамов фотоси.

ТЕАТРНИНГ ЯНГИ МАВСУМИ

Муқимий номли ўзбек давлат музикали театри 5сентябрь куни Ҳамзанинг «Паранжи сирлари» пьесаси билан ўзининг 48-мавсумини бошлади. Асарга Т. Жалилов музика ёзган. Юксак социал мавзудаги драматик асарларга, ҳозирги замоннинг энг муҳим проблемаларига мурожаат қилинганлиги театр бу йилги репертуарининг ўзига хос хусусияти бўлди.

Драматург К. Амиров ва композитор М. Бафоевнинг Афғонистондаги Апрель революциясига бағишланган «Узилган торлар» постановкаси томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади. А. Иброҳимов билан М. Бафоевнинг «Зўлдир» сатирик спектакли жамиятимиз ҳаётидаги салбий ҳодисаларни фош этади. Томошабинлар Ҳ. Ғулом ва М. Левиевнинг «Мангулик» пьесасини кўришлари мумкин. Туркиялик драматург Р. Гунтекиннинг «Ҳийлаи шаръий» спектакли динга қарши мавзуга бағишланган. Мазкур асар музикасини композитор М. Маҳмудов ёзган.

Янги мавсумда ҳам илгаригидек театр актёрларининг ишчилар, колхозчилар, студентлар, Совет Армияси жангчилари билан учрашувлари, томошабинлар конференциялари ўтказилади.

(ЎзТАГ).

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ РУС ТИЛИДА НАШР ЭТДИ:

А. НУРОВ. Ўзбекистон Компартияси социализм қуриш даврида ишчилар синфининг интернационализм алоқаларини мустаҳкамлаш учун курашда. 80 бет. Баҳоси 75 тийин.

Монографияда пролетар интернационализмининг моҳияти ва унинг ишчилар синфининг озодлик учун кураш ишидаги аҳамияти ёритилган. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг социализм қуриш даврида республика меҳнаткашларини интернационализм руҳида тарбиялаш учун кураши баён қилинган.

Н. АМИРХОНОВ, Ш. ҲАМРОҚУЛОВ. Қатрон уруғи турлари биологияси ва уларнинг хўжаликдаги аҳамияти. 116 бет. Баҳоси 1 сўм 10 тийин.

Монографияда СССР ва чет элларда тарқалган қимматли хўжалик аҳамиятига эга бўлган 33 қатрон тури ҳақида маълумотлар келтирилган.

Қ. НАВРЎЗОВ. Трубопроводлардаги тезлиги ўзгариб турадиган оқимнинг гидродинамикаси. 112 бет. Баҳоси 80 тийин.

Монографияда турли механик хусусиятга эга бўлган деворли найчаларда суюқлик тезлигининг ўзгарувчан оқими ўрганилган.

АВТОРЛАР КОЛЛЕКТИВИ. Бир ва кўп фазали муҳит гидрогаз динамикаси. 176 бет. Баҳоси 1 сўм.

Тўплам бир фазали ва кўп фазали системалар гидро ва газодинамикаси соҳасидаги тадқиқотлар натижасини баён қилишга бағишланган.

Е. П. КУРОЧКИН, Н. А. МУМИНОВ, С. В. КОПЕЙКИН. Ўлчаш информациясини қайта ишлашнинг адаптив методи. 204 бет. Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

Монография ўқувчини ўлчов маълумотларини қайта ишлаш проблемалари ва турли динамик объектларни баҳолаш усуллари билан таништиради.

Т. Р. РАШИДОВ, Ш. М. СИБУКАЕВ, Э. Ю. ГУРГОВ, Е. З. НАЗИРОВ. Юмшоқ уланишли юмалоқ пластинкаларнинг барқарорлиги. 132 бет. Баҳоси 95 тийин.

Монографияда туташ ва халқали юмшоқ уланишли халқа пластинкаларининг барқарорлиги ўрганилган.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

РАҲМАТ, ШИФОКОР

Фронтдаги жангу-жадаллардан кейин милкларим ва тишларим сурункали оғрийдиган бўлиб қолган. Шундай пайтларда Тошкент шаҳридаги 1-тиш даволаш поликлиникасининг ширинсухан шифокорлари ҳар доим менга ёрдамга келишади.

Яқинда шу ҳол такрорланди. Телефонни поликлиника бош врачи Ўлмас Мирзаев кўтарди. У дардимни эшитаркан: «— Ҳозир тажрибали врачларимиздан Бенсион Шаломовни хонадонингизга жўнатамиз», — деди ҳушмуомалалик билан.

Бенсион Маниевичнинг қўли енгил экан. Оғриқ босилди. Яқинда миннатдорчилигимни билдириш учун шу поликлиникада бўлдим. Регистратурадан тортиб, даволайдиган ва тиш қўядиган жойлардаги тартиб-интизомни кўриб қувондим.

Шикоят, таклиф ва истаклар китобини варақлар экан, турли вақт ва ҳар хил сиёҳларда ёзилган миннатдорчилик хатларини ўқидим ва бу коллектив шаънига ўзимнинг ҳам холисона дастхатимни ёзиб қолдиришни лозим топдим.

А. АБДУСАТТОРОВ,
Улуғ Ватан уруши ногиронлиги, меҳнат ветерани.

УҚУВЧИЛАР ҚУВОНЧИ

Фарғона область Ленинград районида 5-ўрта мактабнинг янги биноси қад кўтарди. Унда қишлоқ аҳлининг 680 нафар фарзанди билим олмоқда. Янги ўқув йилида ишга туширилган мактаб қурилишига 780 минг сўм маблағ сарфланди. Спорт комплекси, олти ёшлилар учун алоҳида синф хоналари, фан кабинетлари, лабораториялар замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

В. РАҲИМОВ.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

12 сентябрдан бошлаб «Ёввойи ҳайвонлар» АРАЛАШ ГРУППАСИ ТОМОШАЛАРИ

ЙЎЛБАРСЛАР, ҚОРА ПАНТЕРАЛАР, ҚОПЛОНЛАР ВА ГЕПАРДЛАР ИШТИРОК ЭТАДИ.

Ҳайвонларни ўргатувчи — Арманистон ССРда хизмат кўрсатган артист МИХАИЛ БАГДАСАРОВ, ВЛАДИМИР РУСАНОВ, ПАВЕЛ БОГАЧУК ва МАРТИРОС КЕШЧАНЛАРНИНГ МАСХАРАБОЗЛИК НОМЕРЛАРИ.

Томошалар ҳар куни соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16 ва 19.00 да, якшанба кунлари соат 13, 16 ва 19.00 да бошланади.

Кассалар қуйидаги тартибда ишлайди: Марказий касса — соат 9 дан 20.00 гача, «Болалар дунёси» универмаги олдидаги шаҳар кассаси соат 11 дан 19.00 гача, Чилонзор савдо марказидаги касса соат 14 дан 19.00 гача, Фарҳод ярмаркасидаги касса соат 11 дан 19.00 гача, Олой бозоридаги касса — соат 9 дан 21.00 гача (жуфт кунлари), Бош универсал магазин яқинидаги савдо расталарида жойлашган касса — соат 10 дан 14.00 гача, М. Горький номли метро станциясидаги касса — соат 16 дан 20.00 гача, Ҳамза метро станциясидаги касса соат 16 дан 21.00 гача.

Дам олиш куни—душанба.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Справкалар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84.

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

9 сентябрь соат 19.30 да СССР биринчилиги учун «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «АСК» (Хабаровск) КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

Футбол

Ишқибозлар диққатига! «ПАХТАКОР» марказий стадиони кассаларида олдиндан билет сотиш ташкил этилган.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ ТУШИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/IX да **Тамарахоним туғилган кунинг 80 йиллигига бағишланган юбилей кечаси**, 8/IX да **Балет Триптихи**, 10/IX да **Отелло.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/IX да **Зебуннисо**, 9/IX да **Куёв**, 10/IX да **Бой ила хизматчи.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА— 7/IX да **Ҳийлаи шаръий**, 8/IX да **Ёшлинда берган кўнгил**, 10/IX да **Ҳийлаи шаръий.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Тошкентда биринчи марта «КОХ» иллюзион шоусининг хайрлашув гастроллари** (13, 16, 19.00).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Президиуми аппарати Президиумнинг Илмий муассасалар фаолиятини координациялаштириш советининг Бош инспектори М. Ғаниевга рафиқаси

Ёқутхон ҒАНИЕВА
ва қизи
НИГОРАХОНларнинг

вафот этганликлари муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЯЙЛОВМИ, СТАДИОН?

ЕКИ АЛИМКЕНТДА БОЙ БЕРИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАР ХУСУСИДА

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РАДИОСИНИНГ ҚЎШМА РЕЙДИ

Оққўрғон пойтахт областининг йирик районларидан. Миришкорлар астойдил меҳнат қилиб, она-Ватан хирмонига 62 минг тонналик Оққўрғон «оқ олтин»и қўшишни кўзлашмоқда. Мавжланиб турган пайкалларда очилиб бошлаган кўсаклар ҳосил чўғи — меҳнат самараси чаккисмаслигидан нишона. Хўш, катта меҳнат байрами — пахта йиғим-теримига чоғланган қишлоқ аҳлининг бўш вақтини оқилона ташкил этиш борасида нималар қилиняпти? Район шаҳар-қишлоқларида, шийпонларда теримчи-ю дала гвардиячилари, пахта заводларининг, автокорхона ва устахоналарнинг ишчилари, умуман, маданий-оқартув муассасалари ходимларининг дам олиши қандай уюштириляпти!

— Алимкентда стадион борми?

— Бор.

— У ерга қандай борилади?

— Катта йўлдан чапга кириб, бир оз юрсангиз, канал бўйида яйлов бор. Ўша-да...

Стадион борми, бор. Номига, хўжакўрсинга. Ҳа, ям-яшил майдон. Тўрсиз дарвоза устунига мол боғланган. Тушовланган от пишқириб, кишнаб қўяди. Қўйқўзилар-у, уй паррандалари ёйилиб яйрашарди. Бунинг атрофида яшовчи хонадонларнинг чорваси эканига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Билмаган одам: «Демак, янги стадион қурилгач, бу ерни яйлов қилишибди-да», — деган хаёлга бориши табиий. Афсуски ундай эмас. Алимкент стадионида барча оммавий-ташкилий тадбирлар — байраму-йиғинлар, спорт мусобақалари-ю сайллар ўтказилади. Бўлмаса, нега қаровсиз? Райондаги энг йирик поселканинг марказий майдони ташландиқ жойга айланибди-ку?

— Уёғини сўрасангиз, — деди автокорхона инженери, спорт ташкилотчиси О. Жўманов, — бундан олти йил аввал хайрли ишга қўл урилган эди. Кўплашиб футбол майдонини юзага келтирдик. Футбол командаси тузилди. У пайтларда командамиз пахта тозалаш заводи оталиғида эди. Йигитлар мароқли ўйинлар кўрсатиб, мухлисларни қувонтиришди. Район биринчилигида муваффақият қозониб, область миқёсидаги баҳсда иштирок этиш имкониятига эга бўлинди.

Кейин нима ҳам бўлдию, оталиқ корхонамиз футболчиларидан «юз ўгириб», ёрдам кўрсатмай қўйди. Қизиғи шундаки, ютуғимиздан ҳеч ким қувонмаганидек, аро-ювердик. Тўп ва бошқа керакли анжомлар, йўл ҳаражатларига ёнимиздан сарфлашга мажбур бўлдик. Футболни севиш ҳам шунчалик бўлади-да.

Буниси ҳам майли. Майдонимизни шудгорлаб, чигит ташламоқчи бўлганларида, «ҳай-ҳайлаб» қолганмиз. Поселканинг қоқ марказида пахта терилса, қизиқ-ку? Гоҳида сабр косанг тўлиб кетади. Наҳотки, спортга ихлосмандлар бўлса-ю, уларни қўллаб, шарт-шароит яратиш, қолаверса, вақт хушнудлигини таъминлашга бош қотирадиган бирор одам топилмаса деб ўйлайсан киши...

— Команданинг қийин аҳволда қолгани рост, — деб суҳбатга қўшилди поселка Совети раиси вазифасини ўтаб турган Р. Довутов. — Футболчилар коллективини оталиққа олиб, раҳнамолик қилишга бирон бир хўжалик раҳбари жазм этолмаётганига ўзимиз ҳам ҳайронмиз.

— Стадион атрофига симтўр ўраб, тартибга солиш, ободончилигига қараш каби юмушлар ҳам сансалор бўлса керак? Наҳотки, майдонда мол боқишни таъқиқлаб қўйиш, волейбол ва баскетбол майдончаларини ясолага келтириш шунчалар қийин бўлса?

Н. МАЪРУФОВ, «Пахтакор» қишлоқ кўнгилли спорт жамияти район Советининг раиси:

Районимизда 5164 физкультурачи, 12 нафар спорт инструктори фаолият кўрсатмоқда. Бир стадион, 8 майдон, 34 волейбол, 6 та баскетбол 2 кўл тўпи, 3 та курашга мослаштирилган зал ва отиш тирига эгамиз. Оққўрғонликлар спортнинг ўн тури бўйича турли мусобақаларда иштирок этишмоқда. Республика спартакиадасида курашчиларимиз биринчи бўлиб, кўпчиликни мамнун этишди. Ҳозирча Вотинцев номли, Навоий номли, Охунбобоев номли, «Партия XXII съезди» ва «Озод» колхозларида волейбол майдончалари йўқ. Ҳамид Олимжон номли колхоз, Оққўрғон ва Алимкент пахта тозалаш заводлари, 46-автобаза спорт инструкторларига эга эмас. ГТО нормативларини топшириш, оммавий разрядли спортчилар тайёрлаш планларининг ярми бажарилди. Тайёрланиши кўзда тутилган олти нафар спорт мастерлигига номзоддан биттасига шундай унвон берилди, холос.

Кўринди турибдики, район пахтакорчиларнинг спорт соҳасидаги муваффақиятлари шу кун талабларига асло жавоб бермайди. Бунинг устига район савдо ташкилотлари магазинларда спортга оид турли буюмлар ва анжомларнинг етарли бўлишини таъминламаяптилар.

Тўғри, район марказида меҳнаткашлар дам олишини уюштириш, физкультура ва спортни ривожлантириш борасида ижобий ишлар амалга оширилаётир. Чунончи, маданий спорт комплексининг ташкил этилгани мақсадга мувофиқ бўлган. Комплекса маданият уйи, кутубхона, болалар музика мактаби, пионерлар уйи, стадион, хўжаликлараро спорт клуби, дам олиш зонаси, музей, кинотеатр ва бошқа маданий-оқартув муассасалари киритилган. Хўжаликлараро спорт клуби ва спорт комплексидан райондаги 21 хўжалик ва корхона фойдаланиши кўзда тутилган. Лекин нима учундир саноатлашган Алимкент посёлкасида меҳнаткашларнинг фаол дам олиши, бўш вақтини мароқли ва мазмунли ўтказиши учун деярли шарт-шароитлар йўқлиги кўпчиликни ранжитмоқда.

Алимкентда бўлганимизда, пахта тозалаш заводи рўпарасида жойлашган, бизга «Истироҳат боғимиз», деб таништирилган масканни кўздан кечириб ҳайратландик. Сирасини айтиш керак, боғ қаровсиз ва эътиборсиз аҳволда. У каналнинг соҳилида бўлишига қарамай, гулзорлар барпо этилмаган, кўпдан бери сув сепиб, супурги тегмагани кўриниб турибди. Тўғрида деворлари қорайиб кетган чойхона биноси. Фаввора яроқсиз ҳолда, ичини ўт-ўлан босган.

Ўнг тарафда — клуб биноси. Ремонтталаб эски иморатнинг бир ёғи Моргуненко каналига туташ. Шу ерда басейн барпо этилса, чўмилиш ишқибозлари Оққўрғон сойига бориб юрмай, ГТО комплекси нормативларини шу ернинг ўзида бажаришлари мумкин бўларди. Клуб, истироҳат боғи, ёзги кинотеатрлар бирбирига яқин объектлар, Фақат каналдаги мавжуд омонат кўприк янгиланса, бўлажак маданий-спорт комплексидан фойдаланишга йўл очилиб, қимматли вақт беҳуда ўтмаган бўларди. Афсуски, мавсум мобайнида ёзги кинотеатр экранлари ёришмади. Маданий спорт комплексини барпо этиш у ёқда турсин, юзлаб кишиларнинг вақти чоғлигини таъминлашга имкон берадиган стадионни тартибга солиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрилмади.

С. ЙЎЛДОШЕВА, Оққўрғон район партия комитетининг секретари.

— КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан кейин бу борадаги ишларни қайта ташкил этмоқдамиз. Район марказида маданий-спорт комплекси ташкил этилди.

Аввалига маҳаллий аҳолини маданий дам олиш ва спорт тадбирларига жалб этиш осон бўлмади. Аксинча, шаҳарликлар бу ерда чўмилиб, ҳордиқ чиқариб кетишни одат қилишди. Сирасини айтганда, дам олиш зонаси, стадион ҳавас қилса арзигулик.

Меҳнаткашлар дам олишини оқилона ташкил этиш мақсадида алоҳида тадбирлар графигини тузиб, ҳар бир хўжаликнинг дам олиш кунини ўтказишга қарор қилдик. Самараси ёмон бўлмади. Чунончи, ғолибларни шарафлаш, кексаларни пенсияга узатиш, гражданликка қабул, турли учрашувлар, концертлар, спорт мусобақалари маиший хизмат кўрсатиш билан уйғунлашган ҳолда олиб борилмоқда. Оммавий сайллар кўпчиликка маъқул тушмоқда. Навоий номли, «Ленинобод». Вотинцев номли хўжаликларда клублар ёзда ишлаб, қишда ёпилади. Сабаби, клуб бинолари эски бўлиб, иситишга мослашмаган. «Ленинизм»даги клуб асло талабга жавоб бермайди.

Биз ҳар бир хўжаликда стадион бўлиши шарт эмас, деган фикрдамиз. Яхшиси, хўжаликлараро клуб имкониятларидан кўпроқ фойдаланилгани маъқул. Агар колхоз-совхозлар машқ майдонига эга бўлсалар, физкультурачилар ўртасида қизиқарли ўйинлар, ҳатто баҳслар ўтказиш учун имконият туғилади. Шунда куч ва мақсадлар марказлашади, резервлар ҳам кўзга ташланиб туради, моддий ресурслардан расамади билан фойдаланадиган бўламиз.

Алимкентдаги аҳвол ҳақида нима ҳам дейиш мумкин? Тўғри, посёлка—саноати ривожланиб бораётган, аҳолиси зич жойлардан. Зеро, меҳнаткашлар бўш вақтини ташкил этиш, уларнинг дам олишларини кўнгилли уюштириш борасида сусткашликка йўл қўяяпмиз. Эски бинода бўлса ҳам биргина клуб—маданият ўчоғи бўлиб турибди. Камчиликларни бартараф этишда жамоатчилик кучига таянишга ҳаракат қиламиз.

Меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишлари шундай аҳволга тушишига алимкентликлар ҳам қисман айбдор. Хўш, пахта тозалаш заводи, 46-автобаза, тўқимачилик-галантерея фабрикаси филиали каби корхоналарнинг раҳбарлари, партия ташкилотлари, посёлкага яқин хўжаликларнинг мутасаддилари наҳотки Алимкент обод, кўркам шаҳарчага айланишини орзу қилишмаса! Сергайрат, ташаббускор, романтик комсомол-ёшлар қани! Улар бошлаганч ташкилотлар йиғинида бундай муҳим мавзуни ўртага қўйиб, муаммони ҳал этиш йўллари ҳақида баҳслашиб, нега бонг урмайдилар! Камчиликлар ва нуқсонлар ҳақида ошкора сўзлаш, курашиш ҳар бир коммунист ва комсомолнинг бурчи эканлигини унутмаслик керак. Алимкентликлар бир овоздан сайлаган халқ депутатлари ҳам меҳнаткашлар орзу-истакларини рўёбга чиқариш, улар наказларини бажариш борасида фаол бўлиши зарур, деб ўйлаймиз.

...Қайта қуришни, қайта қуриш борасидаги жамики ишларни ҳар бир киши ўзидан, ўзининг гражданлик позициясини белгилаб олишдан, сиёсий, меҳнат фаолиятини активлаштиришдан, топширилган иш учун, пировард натижалар учун жавобгарликни кучайтиришдан бошлаши керак. Жамиятни социал-иқтисодий тараққий эттириши жадаллаштириш жараёнидан ҳеч ким четда қолмаслиги лозим.

Ҳ. НОСИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.
А. АЛИМОВ,
Ўзбекистон радиоси мухбири,
Т. МИРЗААҲМЕДОВ,
«Мўл ҳосил учун» газетасининг жамоатчи мухбири.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

Тингланг, томоша қилинг

7 СЕНТЯБРЬ, ЯКШАНБА

ТВ

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Ритмик гимнастика. 10.15 — «Ҳамма нарсани билишни истайман!» 10.25 — «Спортлото». 10.35 — «Будильник». 11.05 — «Совет Итифоқига хизмат қиламан!». 12.05 — «Тонгги почта». 12.35 — «Саёҳатчилар клуби». 13.35 — «Музикали киоск». 14.05 — «Қишлоқ янгиликлари». 15.05— «Совет тупроғидаги учрашувлар». 15.20 — «Ердаги ҳаёт». Ҳужжатли фильм. 12-серия. 16.15 — «Биз қандай дам оламиз?» 16.55 — Концерт. 17.10 — «Эртак ҳузурида меҳмонда». 18.30 — «Халқаро панорама». 19.15 — «Сўнгги инспекция». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 21.30 — «Время». 22.05 — «Россия уларнинг Ватани бўлди». 23.25 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 23.55 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — «Зарядкага сафланинг!». 9.20 — Ҳужжатли фильм. 9.45 — «Шу ерда қоладиган бўлди». Бадиий фильм. 11.00 — Олтой телевидение студиясининг программаси. 11.55 — «Онамларнинг мактаби». 12.25 — Қисқа метражли бадиий фильмлар. 13.30 — «Рус тили». 14.00 — «Тер.говни билимдонлар олиб боради». Спектакль. 3-серия. 15.25 — «Дунё ва ёшлар». 16.05 — «Катта ўғил». Бадиий фильм. 17.15 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 17.50 — «Жаҳон музика маданияти хазинасидан». 18.40 — От спорти. Халқаро мусобақалар. 19.10 —«Оперетта, оперетта». 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 20.45 — «Инсон, Ер. Коинот». 21.30 — «Время». 22.05 — Ҳужжатли фильм. 22.15 — Футбол. «Зенит» — «Спартак». 23.45 — Волейбол». Жаҳон чемпионати.

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — Телефильм. 8.20 — «Тонгги тароналар». 8.30 — «Ахборот». 8.50 — Ҳужжатли фильм. 9.00 — «Время». 9.40 — «Виргалиқда куйлаймиз». 10.00 — «Истеъдод». 10.20 — «Шахмат мактаби». 10.50 — «Сиз севган қаҳрамонлар». 11.50 — «1987 йил обуноси». 12.10 — «Қизиқибек». Бадиий фильм. 2-серия. 13.25— «Қўвноқ стартлар». 14.20 — Реклама. 18.20 — «Колокольчик». 18.50 — «Вугун—Нефть ва газ саноати ходимлари куни». 19.20 — Мультфильм. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — «Чуст наволари». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Нефть ва газ саноати ходимлари учун концерт. 21.30 — «Время». 22.05— «Инсон ва замин». 22.35 — Концерт.

ТОШКЕНТ-II. 16.00 — Қирғизистон телевидениесининг программаси.

Р

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Янги музикали ёзувлар. 9.15 — «Табассум». 10.15 — «С добрим утром!» 11.30 — «Қўшиқ—менинг ҳаётим». 12.10 — «Ишчинома». 13.00 — «Чорвадор». 13.30 — «Нефть ва газ саноати ходимлари, Сизлар учун». 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 — «Йўлчи юлдуз». Спектакль. 18.15 — Фан уфқлари. 18.30 — «Дўстларимиз қўшиқлари». 19.25 — «Ёшлик». 21.00 — «Табассум». 22.30 — Нефть ва газ саноати ходимлари учун музикали программа.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР



Редакция адреси: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-54-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р. — 08978. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Б. — 205. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12